




with the support of the
Erasmus+ Programme
of the European Union

ERASMUS+ IN UZBEKISTAN



Tashkent – 2017

Erasmus+ in Uzbekistan

Tashkent – 2017

Prepared by the National Erasmus+ Office in Uzbekistan
Financed by the Erasmus+ programme of the European Union
The conclusions and views expressed herein are those of the authors and do not
necessarily reflect an official view of the European Commission

Ўзбекистондаги Erasmus+ миллий офиси томонидан тайёрланган
Бу нашр Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури томонидан
молиялаштирилган
Ушбу нашрда акс эттирилган хулосалар Европа Комиссиясининг фикрини
ифода этмайди

Подготовлено Национальным офисом Erasmus+ в Узбекистане
Издание профинансировано программой Erasmus+ Европейского Союза
Выводы и заключения, содержащиеся в статьях, не отражают мнения
Европейской Комиссии

Table of Contents

Introduction.....	5
Contribution of Tempus and Erasmus+ projects to the development of higher education system in Uzbekistan.....	8
Erasmus+ дастури доирасида имкониятлари кенгаймоқда	14
TechReh short development courses: State of the Art at the TPMI.....	21
The system of internal quality assurance in agricultural higher education (case of Samarkand Agricultural Institute).....	26
Усовершенствование системы обеспечения качества высшего образования: обсуждение и внедрение результатов проекта Erasmus+ IQAT.....	31
Роль принципов европейских образовательных стандартов	37
в повышении качества высшего образования	37
Train the trainers – Define and depart Skills and Competences for high level quality teaching within and outside the University.....	50
Achievements accomplished in the project "IMEP: Internationalization and modernization of education and processes in the higher education of Uzbekistan" within Erasmus + programme.	58
Impact of IMEP project to improve the quality of higher education: case of Namangan State University.....	61
Нотиббиёт университетларда тиббиётга оид фанларни ўқитишда Европа Иттифоқи тажрибаларидан фойдаланиш (Словакия ва Чехия мисолида).....	63
Impact of ModeHEd project to improve the quality of health education subjects: case of Namangan State University.....	66
The usage of electronic textbooks on subject “public health and management of public health” in Tashkent Medical Academy.....	69
Университетларда тиббиётга оид фанларни ўқитилишида Erasmus+ MODEHED халқаро лойиҳасини тутган ўрни	73
Внедрение достижений информационно-коммуникационных технологий в медицинское образование.....	75
Касб-хунар таълимини такомиллаштиришда Европа тажрибасидан фойдаланиш омили	76
Компетентность как форма взаимосвязи профессионального обучения с производством (на основе проекта Erasmus+ RUECVET).....	80
Ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитишда олий таълим муассасаларининг роли (Erasmus+ MAGNET лойиҳаси мисолида).....	85
MAGNET лойиҳаси доирасида қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича семинар-тренинг.....	87

Амалиётга йўналтирилган барқарор қишлоқ хўжалиги таълими	90
Research and development of PhD studies	93
Research and development of teaching methodology.....	97
Ta'lim sohasida Yevropa oliy o'quv yurtlari tajribasi (Polsha misolida).....	101
Mexatronika loyihasi va Buxoro muhandislik-texnologiya institutida tashkil etilgan tajriba xonalaridan samarali foydalanish.....	103
The impact of the Tempus DETEL project on the upgrading of the master's programme in foreign language teaching.....	106
Об устойчивости и развитии результатов проекта "PROMENG" (Practice oriented Master Programmes in Engineering in Russia, Uzbekistan, Ukraine).....	113
Мухандислик таълимини сифатини оширишнинг янги истикболлари	117

Introduction

This brochure is the fourth edition of the annual publication of papers provided by project participants, which is published with a view to disseminate information about Tempus and Erasmus+ Programme activities in Uzbekistan and to spread best practices and achievements of numerous cooperation projects implemented by the country's universities with the universities of EU Member States.

The outcomes of the 2nd Erasmus+ Call-2016 have once again demonstrated the high level of interest the country's universities have in participating in the new programme. A total of 19 projects were approved for Central Asia including 7 projects involving the Uzbek universities.

Project teams from 22 universities including 6 Tashkent based and 16 regional HEIs shall participate in 3 cross-regional, 3 national projects and 1 regional project in partnership with the Central Asian countries.

The next edition of 2017 will provide the newly selected projects with good opportunity to present their activities. This publication contains information mainly on the final phase of Tempus projects and the initial stage of the first generation of Erasmus+ projects in the country.

It is worth to underline importance of the papers received from beneficiaries of credit mobility partnerships started in Uzbekistan in 2015. Nowadays in total 80 credit mobility partnerships have involved 56 local HEIs.

The editorial board believes that this publication shall be of a great assistance to those planning to participate in the European Union's programmes since the success stories detailing specific activities, results and joint work are told first hand by participants from Uzbekistan and EU.

We highly value the support rendered by the Ministry of Higher and Secondary Specialised Education to ensure efficient implementation of Tempus and Erasmus+ projects as well as the recognition of the programme's contribution to the overall modernisation in the higher education sector, implementation of government's priority objectives set for the higher education system.

All articles and materials in this compendium are the property of their respective authors along with their ideas, views, discussions and analysis.

The Erasmus+ National Office expresses its gratitude to everyone for taking time to respond and to share their articles for this compendium.

The editorial board recognises that this publication is not devoid of errors, typos and some other deficiencies and we shall therefore be grateful for any comments and suggestions to be sent to our email book@erasmusplus.uz.

Кириш

Ушбу рисолада Темпус ва Erasmus+ лойиҳалари иштирокчиларининг ҳар йиллик мақолалар тўплами тўртинчи бор чиқарилмоқда. Тўпламда Ўзбекистондаги икки дастурнинг фаолияти, республикамиз олий таълим муассасалари (ОТМ) ва Европа Иттифоқиға аъзо давлатларнинг университетлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кўп сонли лойиҳалар доирасидаги илғор тажрибалар ва эришилган натижалар таништириб ўтилган.

Erasmus+ дастурининг 2016 йилги иккинчи танлови натижаларига кўра, республика ОТМлари янги дастурда иштирок этиш иштиёқларининг янада ортганлигини кўрсатди. Марказий Осиё давлатлари иштирокида 19та лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинган ва уларнинг 7тасида Ўзбекистон ОТМлари қатнашади.

Лойиҳаларга 22 ОТМлари, яъни Тошкент шаҳрининг 6та ОТМлари ва 11та вилоятнинг 16та ОТМлари – 3та минтақалараро, 3та миллий лойиҳаларда ва битта лойиҳада Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилиши режалаштирилмоқда.

Янги лойиҳаларнинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотлар кейинги 2017 йилнинг тўпламида чоп этилади, ушбу тўпламда эса асосан ўзининг якуний босқичида амалга оширилаётган Темпус лойиҳалари ва Erasmus+ лойиҳаларининг биринчи авлоди ҳақидаги мақолалар ёритилган. 2015 йилда Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган кредит сафарбарлиги иштирокчиларининг мақолаларини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда кредит сафарбарлиги бўйича республиканинг 56та ОТМлари иштирокида 80та ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Таҳририят гуруҳи умид қиладики, ушбу тўплам Европа Иттифоқи дастурларида иштирок этишни режалаштириганлар учун яна бир бор кўшимча ёрдам сифатида хизмат қилади, чунки тадбирлар, натижалар ва ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳақида Ўзбекистондан ва Европа Иттифоқи давлатларидан бўлган лойиҳа иштирокчиларининг ўзлари маълумот тақдим этганлар.

Темпус ва Erasmus+ лойиҳаларининг самарали амалга ошириш ишларида ва олий таълимни ислохотлаштириш умумий жараёнида дастурнинг қўшган ҳиссасини ҳамда давлатимиз томонидан олий таълим соҳаси олдиға қўйилган вазифаларни бажаришда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўллаб-қувватлашини биз жуда қадрлаймиз.

Ушбу тўпламда барча мақола ва материалларда муаллифларнинг ғоя, қарашлари, фикр ва таҳлиллари келтирилган.

Erasmus+ миллий офиси ушбу тўпламда ўз мақолаларини нашр этиш учун юборган барча лойиҳалар аъзоларига ўз миннатдорчилигини билдириб қолади.

Таҳририят гуруҳи ушбу тўпламдаги мақолаларда ҳато ва камчиликларға йўл қўйилган бўлиши мумкинлигини эътироф этади ва шу ўринда Сизда пайдо бўлган таклиф ва шарҳларингизни book@erasmusplus.uz электрон адресига юбориш мумкинлигини маълум қилади.

Введение

Данная брошюра представляет собой четвертый по счету ежегодный сборник статей участников проектов Темпус и Erasmus+, издаваемый в целях информирования о деятельности обеих программ в Узбекистане и распространения передового опыта и достижений многочисленных проектов сотрудничества вузов республики с университетами стран-членов ЕС.

Результаты второго конкурса Erasmus+ 2016 года вновь продемонстрировали большой интерес высших учебных заведений республики к участию в новой программе. Всего для Центральной Азии отобрано 19 проектов, в 7 из которых будут участвовать вузы Узбекистана.

Проектные команды из 22 высших учебных заведений, включая 6 вузов Ташкента и 16 вузов из 11 областей республики, будут задействованы в 3 межрегиональных, 3 национальных проектах и в одном проекте в сотрудничестве со странами Центральной Азии. Деятельность новых проектов получит отражение в следующем сборнике 2017 года, а в данной публикации в основном представлены проекты Темпус на своем заключительном этапе реализации и проекты Erasmus+ первого поколения. Особо стоит отметить статьи участников кредитной мобильности, начавшейся в Узбекистане в 2015 году. В настоящее время реализуется 80 партнерств по кредитной мобильности с участием 56 вузов республики.

Редакционная коллегия надеется, что и в очередной раз данный сборник послужит хорошим подспорьем для всех тех, кто планирует участвовать в программах Европейского Союза, так как о конкретных мероприятиях, результатах и совместной работе рассказывают сами участники проектов из Узбекистана и из стран Евросоюза.

Мы высоко ценим поддержку Министерства высшего и среднего специального образования в эффективной реализации проектов Темпус и Erasmus+, а также признание вклада программы в общий процесс модернизации высшего образования, в реализацию государственных задач, поставленных перед системой высшего образования.

Все статьи и материалы в данном сборнике принадлежат авторам с их идеями, взглядами, размышлениями и анализом.

Национальный офис Erasmus+ выражает большую благодарность всем тем, кто откликнулся на предложение предоставить свои статьи для данного сборника.

Редакционная коллегия признает, что данное издание не лишено ошибок, опечаток и некоторых других недостатков, поэтому будет благодарна за любые комментарии и предложения, отправленные на наш электронный адрес: book@erasmusplus.uz

Contribution of Tempus and Erasmus+ projects to the development of higher education system in Uzbekistan

For the higher education system, 2017 was a year of radical reforms and important decisions on quality enhancement of graduates, qualification upgrading of academic staff of higher educational institutions of Uzbekistan, as well as wide-scale development of international relations.

In the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on 20 April 2017 “About the measures on further improvement of higher education system” the followings were identified as the priority directions of higher education: establishment and development of international cooperation of higher educational institutions, organisation of advance trainings and internships of academic staff, access for graduates to Doctoral and Master programmes in the leading overseas educational and scientific institutions, wide involvement of HEIs and centres on retraining and advanced training of highly qualified researchers, teachers and specialists from foreign partner higher education and scientific institutions.

The Tempus programme and Erasmus+ programmes with more extended opportunities of inter-university cooperation are continuing to be one of the main tools of cooperation between the HEIs of Uzbekistan and the European universities.

At the beginning of 2017-2018 academic year in total 58 HEIs, including 26 HEIs of Tashkent and 32 HEIs of 11 country regions and Karakalpakstan, are involved in two programme directions – Joint Projects and Credit Mobility.

The HEIs of Uzbekistan are cooperating with 90 universities of 23 EU Member States, as well as with a number of universities from the neighboring countries of Central Asia and other CIS countries in the framework of 26 on-going projects (1 Tempus IV project at the final stage, 25 Erasmus+ CBHE projects, and 135 credit mobility partnerships).

The programme scale and involvement of many universities from all country regions is evident. Contribution of projects to the development of new curricula and new masters’ majors, expanding opportunities for upgrading the qualifications of academic staff both in European universities and during the local seminars are widely recognized.

The projects are continuing to play an important role in the modernisation of the technical facilities and resources of higher educational institutions, as no less than 30% of the projects` budget is allocated to purchase of unique laboratory equipment, software and modern textbooks, as well as long-term subscription to the worldwide educational resources.

Each completed Tempus project demonstrated the sustainability and further development of the achieved results, the development of scientific ties and multifaceted cooperation with the European universities, as well as helped to increase the attractiveness of the national economy for the European partners.

Relations with the leading European universities are developing thanks to bilateral exchange of students and staffs in the framework of credit mobility. Moreover, from next year this programme direction will also provide traineeship opportunity at industrial and non-academic organisations and institutions in Europe and Uzbekistan.

Nowadays, taking into account the results of the last programme call, the total number of credit mobility projects has reached 135 partnerships. Therefore 135 bilateral exchanges for total mobility for 984 people, including 690 scholarships for study visits to the European universities and 294 mobility of European academics and doctoral students to Uzbekistan are envisaged.

It is worth to emphasize the flexibility of projects which ensures timely and constructive reaction to all governmental decisions on further improvement of the national higher education system.

Since its establishment, the Head Scientific and Methodological Centre for professional development of academic and executive staff in higher education (HSMC) has been continuing to be one of the leading partners of the Tempus and Erasmus+ programmes, as delivering lectures of all incoming European professors and experts for HSMC`s trainees are organised on a regular basis.

It is important to note the role of project teams and administration of participating HEIs in the most effective use of the Erasmus+ grant funds, making appropriate adjustments to the initial plans and budget, based on the realistic conditions and priorities set by the government for higher education institutions. Particular attention should be paid to disseminating of the achieved results and best practices. The availability of information and publication on the local HEIs' websites also plays an important role.

The Ministry of Higher and Secondary Specialised Education of the Republic of Uzbekistan supports the further development of cooperation between HEIs of Uzbekistan and EU countries in the framework of Erasmus+ programme and realisation of projects on relevant directions of improvement of the higher education system and qualitative improvement of personnel training for the intensively developing national economy.

Uzokboy Begimkulov
Deputy Minister
of Higher and Secondary Specialised Education
of the Republic of Uzbekistan

O'zbekiston oliy ta'lim tizimini rivojlantirishdagi vazifalarni amalga oshirishda Tempus va Erasmus+ loyihalarining ahamiyati

2017 yil oliy ta'lim tizimi uchun bitiruvchilarni tayyorlash sifatini yaxshilash, respublika oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilarining malakalarini oshirish hamda xalqaro aloqalarni keng miqyosda rivojlantirish bo'yicha tubdan o'zgarishlar va muhim qarorlar qabul qilindi.

2017 yilning 20 aprel kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" qabul qilingan qarorida oliy ta'limning ustuvor vazifalaridan qatorida respublika oliy ta'lim muassasalarining xalqaro aloqalarini o'rnatish va rivojlantirish, professor-o'qituvchilar tarkibining malakalarini oshirish va stajirovkalarini tashkil etish, chet eldagi yetakchi ta'lim va ilmiya muassasalarda doktorantura va magistratura dasturlari bo'yicha bitiruvchilarning ta'limini joriy etish, chet el hamkor ta'lim va ilmiy muassasalarining yuqori malakali olimlarini, o'qituvchilarini va xodimlarini respublikamiz oliy ta'lim muassasalari hamda qayta tayyorlash va malaka oshirish markazlarining ta'lim jarayoniga jalb qilish belgilangan.

Tempus dasturining o'rniga kelgan Erasmus+ dasturi respublikamizning oliy ta'lim muassasalari Yevropa Ittifoqining universitetlari bilan hamkorlikda yanada keng universitetlararo hamkorlik imkoniyatlari asosiy vositalardan biri bo'lib hisoblanadi.

2017-2018 o'quv yilidan boshlab, ikkita yo'nalish – oliy ta'limda salohiyatni oshirish va kredit mobilligi doirasida 58 oliy ta'lim muassasalari (OTM) jalb qilingan, shu qatorda, Toshkent shahridan 26 OTM hamda Qoraqalpog'iston va 11ta viloyatning 32 OTMlari ishtirok etmoqda.

Hozirgi kunda 26ta loyiha doirasida (Tempus IV dasturining yakunlanayotgan 1 loyihasi, Erasmus+ 25 CBHE loyihasi, 135 kredit mobilligi loyihasi) Yevropa Ittifoqiga a'zo 23 davlatlarning 90 universitetlari bilan hamkorlikda hamda qo'shni Markaziy Osiyo va boshqa MDH davlatlarning bir qator universitetlari bilan amalga oshirilmoqda.

Respublikaning barcha viloyatlardagi oliy ta'lim muassasalarining ko'p qismi jalb qilingaligi dasturning qanday miqyosga ega ekanligini ko'rsatadi, loyihalar doirasida yangi o'quv dasturlar va magistratura yangi mutaxassisliklarining yaratilishi, nafaqat Yevropa universitetlarida, balki O'zbekistonda tashkil etilayotgan seminarlarda professor-o'qituvchilarning malakalarini oshirish imkoniyatlari kengaymoqda.

Loyihalar doirasida oliy ta'lim muassasalardagi moddiy-texnik bazalarning zamonaviylashtirilayotganligi katta ahamiyatga ega, loyihalarning 30% mablag'i noyob laboratoriya jihozlari, dasturiy ta'minotlar va zamonaviy o'quv adabiyotlari, uzoq muddatga jahon ta'lim resurslaridan foydalanish uchun obuna bo'lish imkoniyatlarini yaratadi.

Har bir yakunlangan Tempus loyihalari o'zlarining turg'unligi va erishilgan natijalarni rivojlanishini davom ettirayotganligini, Yevropa universitetlari bilan ilmiy va turli xalqaro aloqalarini rivojlanayotganligi hamda yevropalik hamkorlar uchun milliy iqtisodiyotning o'sishida o'z yo'rdamini ko'rsatdi.

Kredit mobilligig doirasida yetuk Yevropa universitetlari bilan hamkorlikda talaba va professor-o'qituvchilarning ikki tomonlama almashinuvi rivojlanmoqda, shu qatorda, yangi o'quv yilidan buyon Yevropadagi sanoat korxonalarida va hamkorlarning profiliga mos noakademik tashkilot va muassasalarda ishlab chiqarish amaliyotini o'tash imkoniyati paydo bo'ldi.

Bugungi kunda so'ngi tanlov natijalariga ko'ra, kredit mobilligi hamkorlik loyihalarining soni 135ga yetdi, ushbu 135ta loyiha doirasida 984 kishi uchun ikki tomonlama almashinuvi rejalastirilgan, ya'ni Yevropa universitetlariga 690 mobillik va O'zbekistonda 294 yevropalik o'qituvchilar va doktorantlarning mobilligi ko'zda tutilgan.

Barcha loyihalarning egiluvchanligini alohida ta'kidlab o'tish kerak, respublika oliy ta'lim tizimini takomillashtirish borasida Davlatimiz tomonidan qabul qilinayotgan hujjatlarga darhol va konstruktiv ravishda yondashib keladi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi Oliy ta'lim tizimi pedagog va rahbar kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishni tashkil etish Bosh ilmiy-metodik markazining (BIMM) tashkil etilishidan buyon Tempus va Erasmus+ dasturlarining domiy yetuk hamkori bo'lib kelmqoda, negaki Yevropadan tashrif buyurayotgan professor va ekspertlar tomonidan kurslarda ma'ruzalar muntazam ravishda olib borilmoqda.

Davlatimiz tomonidan oliy ta'lim muassasalar oldiga qo'ygan talablariga ko'ra, Erasmus+ loyihalarida ishtirok etayotgan OTMLar rahbariyati va komanda a'zolari real shartlar va ustuvor vazifalardan kelib chiqib, dastur grantidan maksimal darajada samarali foydalanayotganligi, loyihalarning ilk reja va mablag'lariga zarur o'zgartirishlar kiritilganligi katta ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlash lozim.

Loyihalar erishilgan natijalari va ilg'or tajribalar bilan ommaga keng namoyish etishiga e'tibor qaratish va oliy ta'lim muassasalar web-saytlarida ma'lumotlarni yoritib borishga katta ahamiyatga berilishi zarurligini qayd etish lozim.

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Erasmus+ dasturi doirasida O'zbekiston va Yevropa Ittifoqi universitetlarining kelajakdagi hamkorlik aloqalarini rivojlantirib borishni va respublika iqtisodiyotining intensiv tarzda rivojlanish jarayonida oliy ta'lim tizimini takomillashtirish va kadrlarni tayyorlash sifatini yaxshilash bo'yicha dolzarb yo'nalishda amalga oshiriladigan loyihalarni qo'llab-quvvatlaydi.

Uzoqboy Begimkulov

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining o'rinbosari

Вклад проектов Темпус и Эразмус+ в реализацию текущих задач развития системы высшего образования Узбекистана

Для системы высшего образования 2017 год стал годом коренных преобразований и принятия важных решений по улучшению качества подготовки выпускников, повышению квалификации профессорско-преподавательского состава высших образовательных учреждений республики, а также широкомасштабного развития международных связей.

В принятом постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» в качестве приоритетных направлений высшего образования определены установление и развитие международного сотрудничества высших образовательных учреждений республики, организация повышения квалификации и стажировок профессорско-преподавательского состава, обучение выпускников по программам докторантуры и магистратуры в ведущих зарубежных образовательных и научных учреждениях, широкое привлечение в образовательный процесс вузов и центров переподготовки и повышения квалификации высококвалифицированных учёных, преподавателей и специалистов из партнерских зарубежных образовательных и научных учреждений.

Программа Темпус и пришедшая ей на смену программа Erasmus+ с более широкими возможностями межуниверситетского сотрудничества продолжают оставаться одними из основных инструментов сотрудничества вузов республики с европейскими университетами.

На начало учебного 2017-2018 года 58 высших образовательных учреждений, включая 26 вузов г. Ташкента и 32 вуза из 11 областей республики и Каракалпакстана, задействованы по двум направлениям программы - совместным проектам и кредитной мобильности.

В рамках 26 действующих проектов (1 проект Темпус IV на этапе завершения, 25 СВНЕ проектов Erasmus+, 135 партнёрств по кредитной мобильности) осуществляется сотрудничество с 90 университетами из 23 стран-членов Европейского Союза, а также с рядом университетов из соседних государств Центральной Азии и других стран СНГ.

Очевиден масштаб программы и охват большого количества вузов со всех регионов республики, общепризнан вклад проектов в разработку новых учебных программ и новых специальностей магистратуры, в расширяющиеся возможности повышения квалификации ППС как в европейских университетах, так и во время семинаров на местах.

Немаловажную роль продолжают играть проекты в модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений, так как не менее 30% бюджета проектов используется на закупку уникального лабораторного оборудования, программного обеспечения и современной учебной литературы, долгосрочной подписки на доступ к всемирным образовательным ресурсам.

Каждый из завершившихся проектов Темпус продемонстрировал устойчивость и дальнейшее развитие достигнутых результатов, развитие научных связей и разностороннего сотрудничества с европейскими университетами, а также оказал содействие в росте привлекательности национальной экономики для европейских партнеров.

Благодаря двухстороннему обмену студентами и преподавателями развиваются связи с ведущими университетами Европы в рамках кредитной мобильности, которые начнут со следующего года предоставлять также возможность прохождения производственной практики на промышленных предприятиях и соответствующих профилю партнерских неакадемических организациях и учреждениях в Европе и в Узбекистане.

На сегодняшний день, с учетом результатов последнего конкурса общее число партнерств по кредитной мобильности достигло 135, то есть существует 135 двусторонних обменов с запланированной мобильностью для 984 человек, включая 690 грантов для учебных поездок в европейские университеты и 294 мобильности для приезда европейских преподавателей и докторантов.

Особо необходимо подчеркнуть гибкость проектов по своевременному и конструктивному реагированию на все правительственные решения по дальнейшему усовершенствованию системы высшего образования республики.

С момента своего создания Головной научно-методический центр переподготовки и повышения квалификации педагогических и руководящих кадров системы высшего образования (ГМНЦ) продолжает оставаться одним из ведущих партнеров программы Темпус и Erasmus+, так как на регулярной основе организовано чтение лекций на курсах всеми приезжающими европейскими профессорами и экспертами.

Важно отметить роль проектных команд и руководства участвующих вузов в максимально эффективном использовании средств гранта Erasmus+, внесения соответствующих корректив в первоначальные планы и бюджет, исходя из реальных условий и приоритетности задач, поставленных правительством перед высшими образовательными учреждениями. Особое внимание должно быть уделено распространению достигнутых результатов и передового опыта, немаловажное значение в этом играет размещение информации и материалов на веб-сайтах высших образовательных учреждений.

Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан поддерживает дальнейшее развитие связей между вузами Узбекистана и странами Европейского Союза в рамках программы Erasmus+ и реализацию проектов по актуальным направлениям усовершенствования системы высшего образования и качественному улучшению подготовки кадров для интенсивно развивающейся экономики республики.

Узокбой Бегимкулов

Заместитель министра высшего и среднего специального образования

Республики Узбекистан

Erasmus+ дастури доирасида имкониятлари кенгаймоқда

Абулкасимова Д.А.

Мақолада Ўзбекистондаги Темпус дастури сўнгги босқичининг, эришилган натижаларга алоҳида урғу берилган ҳолда қисқача таҳлили, шунингдек Erasmus+ (2014-2020) дастурининг икки асосий йўналишлари (олий таълимда салоҳиятни ошириш ва кредит мобиллиги) учинчи танлов натижалари статистикалари келтирилади.

The article provides a brief overview of the last phase Tempus programme in Uzbekistan, describing the achieved results, as well as presenting some statistics of the third call of Erasmus+ programme (2014-2020) in two key action: capacity building in higher education and credit mobility.

В статье приводится краткий обзор последнего этапа деятельности программы Темпус в Узбекистане с описанием достигнутых результатов, а также статистика третьего конкурса программы Erasmus+ (2014-2020) по двум направлениям междууниверситетского сотрудничества: развитию потенциала в сфере высшего образования и кредитной мобильности.

Темпус лойиҳаларининг якуни ва эришилган натижалар

Темпус - бу Ғарбий Болқон минтақаси, Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги Ҳамкор-давлатларда олий таълимни ислоҳ этишга қаратилган ва, асосан, университетлараро ҳамкорлик лойиҳалари орқали кўмаклашувчи Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган дастурдир.

Ўзбекистонда Темпус дастури 1994 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 80 дан зиёд халқаро ҳамкорлик лойиҳалари амалга ошириб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун Европа Комиссияси томонидан жами 34 миллион евродан зиёд маблағ ажратилган:

Tempus II: 6.14 миллион евро (1994-2000);

Tempus III: 11.3 миллион евро (2000-2006);

Tempus IV: 16.6 миллион евро (2007-2013).

Темпус дастурининг тўртинчи босқичидаги 6 та танлов доирасида амалга оширилаётган 30 та лойиҳаларда Ўзбекистон олий таълим муассасалари (ОТМ) фаол иштирок этиб келмоқда. Шулардан 14 таси ўқув дастурини ислоҳ этиш бўйича қўшма лойиҳалар (ҚЛ), 7 та “Олий таълим ва жамият” бўйича ҚЛ, 1 та ислохотларни бошқариш бўйича ҚЛ ҳамда 8 та структуравий лойиҳалар (СЛ) ҳисобланади. Лойиҳалар доирасида Европа Иттифоқининг 22 ҳамкор-давлатларнинг 115 та университети ва 11 ҳамкор-давлатнинг (кўпроқ МДХ давлатлари) 124 та университети ҳамда республикамиз ОТМлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Жумладан:

- 2008 йилда - 3 лойиҳа (PERSEUS, NMPLIS, AIDA)

- 2009 йилда - 4 лойиҳа (CANDI, HEICA, SWAN, UNIQTOOL)

- 2010 йилда - 3 лойиҳа (PROMENG, UnIVENT, CIBELES)

- 2011 йилда – 4 лойиҳа (QAPD, EPASAT, TERSID, ISMU)

- 2012 йилда – 5 лойиҳа (QUEECA, GE-UZ, UZWATER, TuCAHEA, ENGITEC)

- 2013 йилда – 10 лойиҳа (INOCAST, MACH, HIGHVEC, UNIWORK, DeTEL, SAMUZ, PROMIS, MATcHES, UZDOC, UZHEALTH)

6-танлов доирасида Марказий Осиё давлатлари учун мўлжалланган 10 млн. евродан ташқари, Европа Иттифоқининг қарорига асосан, Ўзбекистон олий таълим муассасалари иштирокидаги миллий лойиҳалар учун 5 млн. евро миқдорида қўшимча маблағ ажратилди. Ажратилган қўшимча маблағ сабабли лойиҳалар сонининг ортганлиги қувонарли ҳолдир.

Таълим, аудиовизуал воситалар ва маданият ижроия Агентлигининг (ЕАСЕА) кўрсаткичларига биноан кўп лойиҳаларнинг мавзуй йўналишлари Болония жараёни, ташкилотлар билан ОТМларнинг алоқаларини кучайтириш ва университетни бошқаришга йўналтирилган. Шунингдек, лойиҳалар асосан магистратура даражасига оид ва аксарияти минтақавий лойиҳалар ҳисобланади.

2016 йил Темпус дастурининг сўнги 6-танлов лойиҳаларининг аксарияти яқунланди ва бир нечта лойиҳа муддати 2017 ноябр ойига қадар узайтирилди. Алоҳида таъкидлаш керакки, Темпус дастури Ўзбекистондаги 22 йиллик фаолияти давомида университетларaro икки ва уч йиллик халқаро ҳамкорлик муносабатларига асосланган ягона дастур сифатида Ўзбекистон олий таълим тизимини халқаролаштириш жараёнига катта ҳисса қўшиб келди.

Шу билан бир қаторда, Темпус дастури мамлакатимизда олий таълимни ислох қилишдаги самарали воситалардан бири ҳисобланади. 1997 йил «Таълим тўғрисида»ги янги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (КТМД) қабул қилингандан сўнг бу борада Темпус дастурининг аҳамияти янада ортди.

2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони¹ қабул қилинган илк кунларданок Темпус дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги (ОЎМТВ) ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик Маркази (БИММ) билан яқин ҳамкорликда мазкур Фармон ижросини таъминлашга киришди. 2015 йил октябр ойидан буён Темпус ва Erasmus+ дастурлари доирасидаги Ўзбекистонга келган европалик ҳамкорлар БИММ ва унинг вилоятлардаги филиалларида мунтазам маърузалар ўқиб келишмоқда.

Темпус лойиҳалари ёрдамида турли вилоятларда жойлашган ОТМларда (58 ОТМ республиканинг барча вилоятларидан) нафақат Европа университетлари билан кўп йиллик ҳамкорлик йўлга қўйилди, балки бутун мамлакат ОТМлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳам мустаҳкамланди.

Амалга оширилган кўпгина лойиҳалар доирасида Ўзбекистонлик ҳамкорларнинг саъй-ҳаракати натижасида дастлабки иш режасига киритилмаган бир қатор қўшимча натижаларга ҳам эришилди (spin-off effects). Мисол учун, ОТМларнинг раҳбар ходимлари учун қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш натижасида Тошкент давлат педагогика университетида таълим соҳасида менежмент йўналиши бўйича янги магистратура дастури, шунингдек барча факультетларда ушбу йўналишга мос келувчи факультатив курслар ташкил этилди.

Ўзаро тенглик ва манфаатли ҳамкорлик дастури ҳисобланган Темпус мустаҳкам халқаро алоқаларни ўрнатиш омиллари билан бири ҳисобланади. Лойиҳаларни молиялаштириш тугагандан сўнг Европа ва Ўзбекистон ОТМлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўзаро академик алмашинувини йўлга қўйиш, биргаликда мақололар чоп этиш, ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш ва бошқа академик лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан давом этади.

Темпус лойиҳаларини амалга ошириш давомида нафақат Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги, балки Ўзбекистон ва бошқа кўплаб давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди. 2008 йилдан буён Ўзбекистонда бир нечта мамлакатларни ўз ичига олган кўп сонли лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Мисол учун, 46 та Ўзбекистон ОТМлари, шунингдек, 10 та ҳамкор ва 22 та Европа Иттифоқига аъзо давлатлардан жами 150 ОТМ иштирок этган 30 та Темпус лойиҳаларининг 20 таси кўпдавлатли лойиҳалардир.

¹ http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2676554

«Эрасмус Мундус» дан «Эрасмус Мундус қўшма магистратура даражаслари» га

2004 йилдан бошлаб амалга оширила бошланган Эрасмус Мундус (ЭМ) дастури ҳамкор давлатлар билан ўзаро академик ҳамкорлик ва мобиллик муносабатларига асосланган.

Эрасмус Мундус дастури учта йўналишга (Action) асосланган:

Йўналиш 1/ Action 1 (2004-2013) - ЭМ қўшма дастурлари /Erasmus Mundus Joint Programmes (магистратура ва қўшма докторантура);

Йўналиш 2/ Action 2 (2007-2014) - ЭМ ҳамкорлик /EM Partnerships (собик Ташқи ҳамкорлик муносабатлари/ External Cooperation Window);

Йўналиш 3/ Action 3 (2004-2013) - ЭМ жозибadorлик лойиҳалари /EM Attractiveness projects.

ЭМ жозибadorлик лойиҳалари (Action 3) Европа олий таълим тизимининг жозибadorлигини янада кенг ислоҳ қилишга қаратилган. Ушбу йўналиш, асосан, олий таълимдаги сифат кафолати, кредитларнинг тан олинishi, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш каби жиҳатларни қўллаб-қуватлашга йўналтирилган. 3-йўналиш доирасида Марказий Осиё давлатларидан фақат Қирғизистоннинг 2 та университети лойиҳада иштирок этган.

Ўзбекистон ОТМлари ЭМ дастурининг 2-йўналиши доирасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Эрасмус Мундус 2-йўналиши (Action 2) - Европа университетлари ва белгиланган давлатлар университетлари ўртасида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишдан иборат. Лойиҳалар доирасида Европанинг етакчи университетлари иштирокида бир қатор йўналишлар бўйича бакалаврият, магистратура, докторантура ҳамда илмий ва административ ходимларнинг таълим дастурлари бўйича юқори сифатли таълим берилади.

2007 йилдан бошлаб 2-йўналиш доирасида ҳамкорлик ҳар йили эълон қилинадиган лойиҳа аризалари учун танловлар асосида саралаб олинади. Мазкур йўналиш доирасидаги 2007-2014 йиллар давомида жами 8та танлов эълон қилинган бўлиб, охириги танлов 2014 йилга тўғри келади.

2011 йилнинг феврал ойида мазкур йўналиш бўйича (Action 2) Марказий Осиё ва шу қаторда, Ўзбекистон олий таълим муассасалари иштирокида 5та ҳамкорлик лойиҳалари молиялаштириш учун танлаб олинди. TARGET, MANECA, TOSCA, CENTAURI ва CASIA лойиҳаларида Ўзбекистоннинг 13 та ОТМлари муваффақиятли иштирок этган.

2012 йилда танлаб олинган 4 ҳамкорлик лойиҳаларида эса 10 та ОТМлар иштирокида амалга оширилган. TOSCA II, CASIA II, CANEM ва EuroAsianCEA лойиҳалари доирасида таълим олиш, дарс бериш ва тадқиқот олиб бориш имкониятлари мавжуд.

2013 йилда сўнги танлов натижаларига кўра, 5 лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинди ва бунда 16 та ОТМ жалб қилинган. Европа Комиссиясининг қарорига кўра, 1 та миллий лойиҳа (TIMUR) учун алоҳида 3 млн. евро миқдорида маблағ ажратилган.

2014 йилнинг июл ойида 2-йўналишнинг (Action 2) натижаларига кўра, 27 та лойиҳа танлаб олинган ва уларнинг бирида Ўзбекистоннинг Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти ва Урганч давлат университетлари иштирок этмоқда.

ЭМ 2-йўналиши доирасида Ўзбекистон ва Европа университетлари орасида 2007-2013 йил давомида жами 867 та мобиллик амалга оширилган бўлиб, шундан 699 таси талабалар мобиллиги ва 168 та ходимлар мобиллигидир.

Республика ОТМларида Темпус лойиҳалари ва Эрасмус Мундус ҳамкорликларининг бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши лойиҳаларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилиши уларни амалга ошириш жараёнида ўз исботини топмоқда. Зеро, Темпус лойиҳалари олдига қўйилган мақсадларига етишиш даврида ОТМ ходимлари, профессор-

ўқитувчиларнинг қисқа муддатли сафарбарлиги, малака ошириш имкониятлари ва тажриба алмашинувлари асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

ЭМ қўшма дастурлари (Action 1) ОТМлар консорциуми томонидан бошқарилиб, интеграциялашган курс ҳамда консорциумга кирувчи ОТМларда олиб борилган изланиш ёки ўқишдан сўнг битирувчилар қўшма диплом билан тақдирланади. ЭМ магистрлик (EMMCs) ва ЭМ қўшма докторантура (EMJMDs) курслари учун грантларга дунёнинг барча давлатларидан талабалар ариза топширишлари мумкин. 10 йил давом этган танловлар давомида ЭМ магистрлик курслари учун Ўзбекистондан жами 42 та талаба, 4 та ўқитувчи, ЭМ қўшма докторантура курслари учун эса 2 та талаба грант билан тақдирланган.

2014 йилдан буён ЭМ магистрлик курслари (EMMCs) Erasmus+ дастурининг «Эрасмус Мундус қўшма магистратура даражалари/ Erasmus Mundus Joint Master Degrees» йўналиши доираси ўз фаолиятини давом эттирмоқда. ЭМ қўшма докторантура (EMJMDs) курсларига танловлар 2014 йилдан буён эълон қилинмайди, балки Horizon 2020 дастурининг бир қисми бўлган «Marie Skłodowska-Curie actions» доирасида молиялаштирилади.

Эрасмус Мундус қўшма магистратура даражалари (EMJMDs) - юқори даражадаги таълим комплекс дастури бўлиб, ОТМлар консорциуми томонидан амалга оширилади ва дунё бўйлаб энг иқтидорли талабалар учун тўлиқ таълим курсларини таклиф қилади. Мазкур йўналиш доирасида эълон қилинадиган 7та танловлар (2014-200) давомида жами 350 та магистратура курсларини ташкил этиш ва 30 000 та талаба ва ўқитувчиларга грантлар ажратиш кўзда тутилган.

2017 йилдаги EMJMDs танлови натижаларига кўра, Ўзбекистондан жами 218 та ариза топширилган бўлиб, шулардан 12 та талаба магистратура курсларига қабул қилинди.

Шунингдек, жорий йилда илк бор Ўзбекистон ОТМлари EMJMDs лойиҳаларида иштирок этади, булар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти.

Erasmus+: Олий таълимда салоҳиятни ошириш лойиҳалари, 2-танлов натижалари

Erasmus+ – бу Европа Иттифоқининг таълим, касбий таълим, ёшлар ва спортни ривожлантиришга қаратилган ҳамда 2014-2020 йиллар учун мўлжалланган янги дастур. Янги дастур юқорида кўрсатилган соҳалар бўйича Европа Иттифоқининг халқаро ҳамкорлик дастурларининг энг муваффақиятли дастурларини, яъни Темпус ва Эрасмус Мундус дастурларини ўз ичига қамраб олди. Ҳозирги кунга қадар, улар Ўзбекистон олий таълимини ислохотлаштириш бўйича Европа Иттифоқининг асосий воситаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон ОТМлари, ўқитувчилари ва талабалар Erasmus+ дастурининг қуйидаги 3 та йўналишлар бўйича иштирок этиш имкониятига эга: Халқаро кредит мобиллиги (International Credit Mobility) – Европанинг бир ёки бир нечта университетлари билан алмашинув дастури, Олий таълимда салоҳиятни ошириш лойиҳалари (Capacity Building in Higher Education), Қўшма магистрлик дастурлари (Joint Master Degree programme) ҳамда Жан Моне (Jean Monnet) дастури.

Олий таълимда салоҳиятни ошириш (CBHE) йўналишининг 2015-2016 йилдаги танловлари доирасида Ўзбекистон ОТМлари иштирокида 18 та лойиҳа, шундан 14 та қўшма ва 4 та структуравий лойиҳалар, амалга оширилмоқда:

2015 йил – 10 та лойиҳа: MIND, ECCEM, CACTLE, ACADEMICA, ModeHED, ECAP, TechReh, IQAT, FSAMP, IMEP, NURSLIN (Тўлиқ маълумот: <http://erasmusplus.uz/Information-about-the-projects/Erasmus-plus/call1/index.htm>)

2016 йил – 7 та лойиҳа: MAGNET, RENES, UZDOC 2.0, PAWER, SPHERA, RUECVET, GREB (Тўлиқ маълумот: <http://erasmusplus.uz/Information-about-the-projects/Erasmus-plus/call2/index.htm>)

СВНЕ бўйича 2017 йил эълон қилинган танлов натижаларига кўра 2017 йил 9 февралга қадар барча давлатлардан жами 833 та лойиҳа таклифлари топширилган. Танлов қўмитаси томонидан барча иштирокчи мамлакатлардан 149 та лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинди. Танлов натижаларига асосан Ўзбекистон ОТМлари иштирокидаги 7 та лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинган бўлиб, улардан 3 таси миллий лойиҳалар (грант миқдори 2,78 миллион евро) ва 4 таси Марказий Осиё ва МДХ давлатлари билан ҳамкорликдаги минтақавий лойиҳалар (грант миқдори 3,66 миллион евро) саналади: INTRAS, BUZNET, DSinGIS, IHOD, EPCA, TOPAS, CLASS. Ўзбекистон иштирокидаги 7 та янги лойиҳада 20 та ОТМ: Тошкент шаҳридан 9та ҳамда 7 та вилоятлар ва Қорақолпоғистондан 11 та олий таълим муассасалари иштирок этиши режалаштирилмоқда (диаграмма -1).




Диаграмма 1. СВНЕ 3-танлов: Ўзбекистон ОТМларинг лойиҳаларидаги иштироки

Дастурда илк бор иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг 2 та олий таълим муассасаси: Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Тошкент темир-йўл муҳандислари институти 7 та қўшма лойиҳалар доирасида Европа Иттифоқи университетлари билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1 та янги қўшма лойиҳага жалб қилинган.

Танлаб олинган лойиҳалар Европа Иттифоқининг 15 та аъзо-мамлакатларидан жами 26 та университет билан узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш учун асос бўлиб хизмат қилади (диаграмма 2).




Диаграмма 2. СВНЕ 3-танлов: Дастурий давлатлардаги университетларнинг иштироки

Erasmus+: Халқаро кредит мобиллиги лойиҳалари

Erasmus+ дастурининг «Халқаро кредит мобиллиги/ International Credit Mobility» (ICM) йўналиши – талабалар ва олий таълим муассасаларининг академик ва административ ходимлари учун 33та Дастур-давлатларларда таълим ва профессионал тажриба олиш имкониятларини беради. Бу нафақат мобиллик иштирокчилари учун, балки ОТМлари учун ҳам бирдек фойдали ҳамкорликдир. Амалга ошириладиган мобилликлар давомида ОТМлардаги ўқув-дастурларини солиштириш ва янгилаш ҳамда ўқитиш ва бошқарув усуллари яхшилаш имкониятлари юзага келади. Оддийгина университетлараро имзоланган шартнома асосида талабаларни ўқишга юбориш ва чет эллик талабаларни қабул қилиш келгусида хорижий дипломларни дастлаб университетлар ўртасида, кейинчалик эса меҳнат бозорида тан олинисига замин яратади.

ICM лойиҳаларини молиялаштириш бўйича қарор Миллий Агентликлар томонидан тасдиқланади. Ушбу йўналиши бўйича 33 Дастур-давлатлар иштирокчиларининг (Programme countries) Миллий Агентликлари томонидан тақдим этилган иккинчи танлов (2017 йил) натижаларига кўра, 13та минтақа бўйича 40 500 та мобилликни молиялаштириш учун умумий қиймати 145 миллион евролик маблағ ажратилган. Мобилликлар сони 2016 йилга нисбатан 12,5%га ошгани ҳолда улардан 25 000 таси - Европага, 15 600 таси - Европадан Ҳамкор-давлатларга амалга оширилади.

ICM 3-танлови доирасида Ўзбекистоннинг олий таълим муассасалари Дастур-давлатларининг университетлари билан 333 та сафарбарликни амалга оширишни режалаштирилмоқда. Бундан 3-танловда умумий мобилликлар сони 2017 йилда 2016 йилга нисбатан камайганини кўришимиз мумкин.

Европада таҳсил олиш бўйича 229 та, Европадан Ўзбекистонга келиб дарс бериш ва тажриба алмашиш учун 104 та ўқитувчи ва талабаларнинг ташриф буюриши кўзда тутилмоқда (жадвал-2).

Жадвал-2. ICM лойиҳалари доирасида Ўзбекистон бўйича амалга ошириладиган мобилликлар

	Лойиҳа тақлифлари	Танлаб олинган лойиҳалар	Грант (евро)	Мобилликлар сони	Ўзбекистон-Европа	Европа-Ўзбекистон
Танлов 2015	67	35	1,069,000	282	205	77
Танлов 2016	69	50	1,250,000	369	256	113
Танлов 2017	82	50	1,094,000	333	229	104
Жами	218	135	3,413,000	984	690	294

Erasmus+ дастури доирасида Erasmus+ миллий офисларнинг (NEO) белгиланган вазифаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистондаги NEO офиси республика ОТМларининг Халқаро алоқалар бўлимлар салоҳиятини ривожлантиришда ёрдам бериши ҳам кўзда тутилган. Халқаро алоқалар бўлимлари (ХАБ) ўз таълим муассасаларида асосий пункт сифатида талабалар ва олий таълим муассасаларининг академик ва административ ходимларини барча зарур маълумотлар билан таъминлаш, таништириш ва маслаҳатлар бериши лозим. Ушбу дастур ХАБларнинг ўзига хос аҳамиятга эга бўлиши зарурлигини

англатади, лойиҳа таклифларини тайёрлаш жараёни ва тартиби, уларнинг менеджменти ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш учун хабардор бўлиши ва ҳамкасблари билан ўртоқлашиши зарур. Масалан, ҳамкорликнинг янги йўналишларидан бири - Халқаро кредит мобиллиги/ International Credit Mobility Европа университетлари билан талаба ва ходимларнинг алмашилиш дастури доирасида 33 дастурий давлатларнинг университетлари ўртасида докторант ва ўқитувчиларни қабул қилиш ҳамда талабаларнинг ва ОТМ вакилларини юбориш жараёнида ОТМлараро ҳамкорлик шартномаси ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу йўналишнинг асосий талабларидан бири – Европада Ўзбекистонлик иштирокчиларнинг чет элда таҳсил олиб келган ўқиш даврининг ва бир-бирига нисбатан ECTS бирлик кредитларининг тан олиниши зарурлиги белгиланган.

Лойиҳаларни танлаб олишнинг дастлабки босқичида, икки томонлама мобилликни йўлга қўйиш орқали Темпус ва Эрасмус Мундус дастурлари ва бошқа Европа Иттифоқининг дастурлари доирасида ўрнатилган ҳамкорликнинг давомийлигини таъминлаш мақсад қилинган лойиҳа таклифларига асосий урғу берилади.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистон ОТМларнинг Темпус ва Erasmus+ дастурлари ва бошқа дастурлар доирасида Европа Иттифоқининг таълим муассасалари билан ўрнатган узоқ муддатли ва самарали ҳамкорлик фаолияти келгусида янги умумий лойиҳалар яратилишига асос бўлади.

Олий таълим соҳаси бўйича Экспертлар миллий гуруҳининг фаолияти

Шунингдек, янги дастур доирасида ҳам Олий таълим соҳаси бўйича Экспертлар миллий гуруҳининг (National Team of Higher Education Reform Experts) фаолиятини қўллаб-қувватлашни давом эттиради. Ҳозирги кунда гуруҳ 11 та экспертдан ташкил топган, улар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Брюссельдаги Таълим, аудиовизуал воситалар ва маданият ижроия Агентлиги (EACEA) томонидан тасдиқланган (<http://erasmusplus.uz/heres/Goals-and-Objectives/index.htm>). EACEA ва SPHERE (Олий таълим соҳаси бўйича Экспертларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш гуруҳи) ташкилоти томонидан ташкил этиладиган долзарб мавзуларга оид семинарларда мунтазам равишда иштирок этишади. Ўз навбатида, семинарлар натижалари умумлаштирилиб, давлатимиз томонидан олий таълим тизими олдига қўйилаётган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тематик мавзулар бўйича республика миқёсида семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиб боради (1-жадвал).

Жадвал 1. HERE гуруҳи фаолити

Халқаро даражадаги фаолият	Миллий даражадаги фаолият
Тематик семинарлар	Институт миқёсида, HERE гуруҳи ОТМларга ислоҳотларни жорий этиш ва амалга ошириш бўйича маслаҳатлар ва ёрдам беради.
Ўқув сафарлари (Study visits)	
International large-scale conferences	
Техник ёрдам дастурлари	Миллий даражада , HERE гуруҳи олий таълим соҳасидаги ислоҳотларни лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва мониторинг қилишда маҳаллий ҳокимиятни қўллаб- қувватлайди.
Сўровнома / нашрлар	
Виртуал экспертлар ҳамжамияти ва материаллар	

Техник ёрдам дастурлари (ТАМ) энг охирида бериш мумкин

Техник ёрдам дастурлари (ТАМ) олий таълим соҳаси бўйича экспертлар миллий гуруҳи (HEREs) фаолиятининг бир қисми бўлиб, Барселона университети (BU) қошидаги Олий таълим соҳаси бўйича экспертларни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш гуруҳи (SPHERE) ва Европа университетлар ассоциацияси (EUA)дан ташкил топган консорциум томонидан бошқарилади ва Маданият ижроия агентлиги (EACEA) томонидан назорат қилинади.

ТАМ ҳамкор давлатлардаги Erasmus+ миллий офислари (NEO) ва HERE гуруҳларига мақсадли ёрдам кўрсатишга қаратилган. Умуман олганда, ТАМ сеимнар ўтказиш учун халқаро экспертни 2 кунга таклиф қилишдан иборат. Мутахассиснинг ТАМ доирасидаги иш режаси, тадбир мавзуси ва формати NEO ва HERE гуруҳи таклифларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб ОЎМТВга юборилади ва ОЎМТВ томонидан тасдиқланади. Тадбирлар HERE гуруҳи миллий иш режасининг бир қисми ва ёки мамлакатда амалга оширилаётган режалаштирилган умумий олий таълим ислохотининг бир қисми бўлиши зарур. Шу мақсадда ТАМ мавзулари Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бугунги кунга қадар, жами 10та ТАМ ташкил қилинган бўлиб (9та миллий ТАМ Ўзбекистонда ва 1 та миинтақавий ТАМ Қозоғистонда), ушбу семинар -тренингларда 900 та киши иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаларини оширишди.

Фойдаланилган абадиётлар рўйхати

1. Tempus IV in Uzbekistan. Темпус лойиҳалари иштирокчиларининг мақолалар тўплами . – Тошкент, Ўзбекистон, 2013.
2. Темпус: 20 йилдан буён Ўзбекистондаги фаолияти. Темпус лойиҳалари иштирокчиларининг мақолалар тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон, 2014.
3. Main Achievements of the Tempus Programme in Central Asia. A Tempus Study.No 19, April 2014, EACEA, Brussels. http://eacea.ec.europa.eu/tempus/tools/publications_en.php
4. From Erasmus Mundus to Erasmus+. – Central Asia// DG EAC. – Brussels, May 2014.
5. Олий таълим тараққиёти истиқболлари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2015.
6. Erasmus+ дастурининг веб-сайти http://eacea.ec.europa.eu/erasmus-plus_en
7. Ўзбекистондаги Erasmus+ миллий офисининг веб-сайти <http://erasmusplus.uz>

TechReh short development courses: State of the Art at the TPMI

I.P. Vikhrov, Sh.P. Ashirbaev. S.M. Abdurakhmanova

Долзарблиги: Хозирги кунда Наманган давлат университети 15та ОТМ билан хамкорликда, 2015-2018 йилларга режалаштирилган Erasmus+ “ModeHEE-Университетларда саломатликка оид фанларни модернизациялаш” мавзусида олиб бораётган халқаро лойиҳа иштирокчисиман. Ушбу лойиҳа доирасида Физиология ва валеология асослари кафедрасидан лойиҳа аъзолари 2016 йил ноябрь ойида Чехия, Словакия давлатларида бўлиб, уларнинг таълим тизимида саломатликга оид фанларни модернизация қилиш тажрибаларини ўрганиб кайтдик. Жумладан, Валеология асослари, Ёш физиологияси ва гигиена фанларидан электрон дарслик тайёрлашда Европа университетларининг илғор тажрибасидан фойдаланиб, мавзуларнинг мультимедия сегментини ривожлантирдик, ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдик. Бундан ташқари лойиҳа томонидан 2017 йил 18 январ куни саломатликга оид фанларни сифатли ўқитилиши учун амалий ва лаборатория жихозлари, замонавий ахборот коммуникация техникаси қурилмалари кафедрага олиб келинди. Шу ишлар негизида амалий ва лаборатория хоналари жихозланди.



Наманган давлат университетининг жихозланган ўқув лаборатория хонаси

Профессор-ўқитувчилар томонидан фанларни талабаларга ўқитишда янги педагогик технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация қурилмаларидан фойдаланиб дарслар ўтилмоқда. Бу эса талабаларнинг жисмонан соғлом, ақлан етук, заковатли, кучли истеъдодли қилиб тарбиялаш, уларга валеологик маданиятни сингдириш, тиббий маданиятини ошишига имкон яратмоқда. Мисол учун, Валеология асослари фанидан “Овқатланишнинг ўсиш, ривожланиш ва саломатликка таъсири.

“WELLNESS билан саломат бўлинг” дастури йўриқномаси

The image displays several screenshots of the 'WELLNESS' mobile application interface, illustrating its features for tracking nutrition and health. On the left, a vertical banner reads 'wellness иловаси йўриқномаси'. The main content includes:

- Настройки (Settings):** A screen for user profile information including gender (Male/Female), age (18-25, 26-50, 51+), and lifestyle (Sedentary, Moderate, Active). It includes instructions on how to update profile data.
- Суточная норма (Daily Norm):** A bar chart comparing fluid intake (Жидкость) and calories (Калории) against 100% targets.
- Избранные (Favorites):** A list of frequently used food items with their calorie counts, such as Soup (250), Bread (300), and Tea (20).
- Сохранение (Saving):** A screen for saving a meal name and a keyboard for text entry.
- Махсулотлар рўйхати (Food List):** A list of various food items with plus signs for adding them to the diet, including Apple, Pear, Orange, Grape, Carrot, Onion, Cucumber, Water, Coffee, and Tea.

Тўғри ва сифатли овқатланиш” мавзусини мультимедия сегментлари ривожлантирилди, асосий озик моддалар тўғрисида маълумотлар, уларнинг ёшга оид суткалик эҳтиёжларини ҳисобга олиб, тўғри овқатланиш тамоилларини тўлиқ ёритиб тақдимот таёрланди. Тақдимотдан барча йўналишларда мавзуни ўқитишда фойдаланилмоқда. Бундан ташқари “WELLNESS билан саломат бўлинг” дастури амалий математика йўналиши талабалари билан биргаликда тайёрланиб, дастурдан фойдаланиш, унинг аҳамиятли тамонлари ҳақида талабаларга маълумотлар берилди. Бу дастурда фойдаланувчининг ёшини, тана вазни, жинси, бажарадиган жисмоний меҳнатининг шакли, турмуш тарзи каби кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, дастур билан ишлаш йўриқномаси мақолада келтирилади. Дастурнинг фойдали тамони шундаки фойдаланувчилар программани мобил телефонларига, шахсий кампютерларига ўрнатиб фойдаланишлари мумкин. Бу эса узоқ умр кўриш ва соғлом ҳаёт учун яна бир қадам ташлаш учун имконият яратади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ананьев В.А., Давиденко Д.Н. Общая валеология. –СПб.: БПА, 2000.
2. Брехман И.И. Валеология – наука о здоровье. –М.: «ФиС», 1990.
3. Вайнер Э.Н. Валеология. –М.: изд. «Наука», 2001.
4. Дубровский В.И. Спортивная медицина. -М.: «Владос», 2002.
5. Казначеев В.П. Основа общей валеологии. Воронеж, «Модек», 1997.

Внедрение достижений информационно-коммуникационных технологий в медицинское образование

Маматкулов Бахрамжон Маматкулович, Инаков Шерзод Алишерович
Ташкентская медицинская академия
Карлов Университет в Праге, Университет Павла Йозефа Сафарика в Кошице
MODEHED (2015-2018)
20.11.2016-26.11.2016
Магистратура: Общественное здоровье и управление здравоохранением
E-mail: tma.sph@gmail.com

The paper describes main recommendations on usage multimedia materials for teaching of subject “Public Health and Management of Public Health” which are designed by the team members of the ModeHEd project of Erasmus+ programme. Suggested multimedia materials are intended to comprehensively mastering by student different topics of the subject. They consist from several “STEPS” first step of them compose test questions to preliminary assess student’s knowledge, and the rest Steps are intended to give theoretical materials, video materials, situational tasks and last Step ends with a final test questions to make assessment on mastering of topic of the subject by a student.

Проект Модернизация медицинского образования в университетах (MODEHED - 561857-EPP-1-2015-1-DE-EPPKA2-CBHE-JP) программы Erasmus+ является консорциумом европейских, казахстанских и узбекских партнеров, которые работают вместе над модернизацией образования в области здравоохранения путем внедрения инновационных обучающих технологий в учебный процесс в качестве мультимедийных и аудиовизуальных компонентов.

Общая цель проекта – поддерживать общественное здравоохранение путем модернизации учебной программы по здравоохранению в университетах Узбекистана и Казахстана, в связи с чем, предпринимаются некоторые шаги, такие как, адаптация, модернизация, реструктуризация образования в области здравоохранения и внедрение инновационных обучающих технологий в учебный процесс, мультимедийные и аудиовизуальные компоненты; разработка руководящих принципов применения полученных результатов, внедрения новых учебных программ в образовательный процесс партнерских университетов и обеспечения их устойчивости.

Учебные планы 7 дисциплин (валеология, основы медицинских знаний, возрастная физиология и гигиена, спортивная медицина, лечебная физкультура и спортивная гигиена, общественное здравоохранение и управление общественным здравоохранением, совершенствование оказания первой медицинской помощи) модернизируются участниками проекта, которые прошли обучение в партнерских университетах Европейского Союза. Во время разработки и модернизации учебных программ рабочим группам предоставлялся техническое и дидактическое оборудование.

Эффективность проекта обеспечивается организацией и проведением специальных обучающих семинаров, тесного сотрудничества партнеров из Европейского Союза и стран участников проекта, и постоянным мониторингом деятельности подрядчиками и местными координаторами.

Управление проектом организовывается в основном местными учреждениями для обеспечения хороших результатов и экономии бюджета за счет сокращения числа мобильных устройств.

Деятельность по распространению информации осуществляется путем организации конференций, публикаций на веб-страницах и информация о результатах проекта публикуется для достижения эффективного распространения.

Результаты проекта умножаются и распространяются среди всех университетов стран партнеров проекта, которые не участвуют в реализации проекта, таким образом, обеспечив капитализацию результатов проекта в национальном масштабе. Все проектное оборудование передается на баланс университетов среди стран партнеров проекта для дальнейшей эксплуатации и технического обслуживания после окончания проектного периода.

Мультимедийные материалы, в сочетании компьютерным оборудованием и программным обеспечением, были разработаны в рамках проекта ModeNEd программы Erasmus+ для электронных учебных пособий по 7 вышеуказанным предметам согласно предложений, полученных от профессорско-преподавательского состава из партнерских университетов Европейского Союза, а именно из Карлова университета в Праге и университетом Павла Йозефа Сафарика в Кошице, во время рабочего визита в рамках проекта, организованного 20-26 ноября 2017 года в Кошице и Праге при технической поддержке, университета проект держателя, Лейпцигского университета прикладных наук.

Предлагаемые мультимедийные материалы характеризуются наличием в них текста, изображений, звука, анимации и видео, которые организованы в логической программе и представляют собой всестороннее отражение электронного учебного пособия.

Кроме этого, инструменты для анализа вопросов и тестов были разработаны в рамках проекта, который был адаптирован из партнерских университетов Европейского Союза с целью оценки и улучшения используемых вопросов и тестов при оценке знаний студентов. В анализе вопросов и тестов в основном используются статистические данные.

Выводы

Опыт и технические средства, полученные в ходе реализации проекта, являются хорошей основой для устойчивости проекта, который проводится и предоставляется университетами стран партнеров проекта.

Мультимедийные материалы являются важными инструментами в образовательном процессе. Они помогают преподавателю эффективно представлять урок, а студентам лучше изучать и сохранять содержание урока на длительный срок. Использование мультимедийного материала улучшает критическое и аналитическое мышление студентов.

Использование инструментов анализа вопросов и тестов в университетах поможет повысить надежность используемых вопросов и тестов путем их постоянного пересмотра.

Касб-хунар таълимини такомиллаштиришда Европа тажрибасидан фойдаланиш омиллари

(Erasmus+ “RUECVET: Россия ва Ўзбекистон миллий касб-хунар тизимида ECVETни тажриба-синовдан ўтказиш” лойиҳаси мисолида)

Сабо Ахмадалиева

Муқимий номидаги Қўкон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Тел. +998906286966

saboakhmad@gmail.com

Мақолада касб-хунар таълимини такомиллаштиришга оид ёндашувлар Erasmus+ RUECVET лойиҳаси мисолида ўз аксини топган. Шунингдек, таълим натижаси, таълим мақсадлари ва кадриятларини ўзида акс эттирган ўқув дастури профилини яратиш масалалари таҳлил этилган

В статье отражены подходы к совершенствованию профессионального обучения на примере проекта Erasmus+ RUECVET. Также, проанализированы вопросы создания профиля учебной программы, отражающей цели и ценности образовательного процесса.

The article reflected the approaches of professional skills and qualifications development. In addition, it analyses the creation issues of educational program that reflects the goals and values of the educational process.

«Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир».
Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан

Демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш – бугунги кунда барча соҳаларда кўзга ташланаётган изчил ислохотларнинг энг олий мақсади ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишда, айниқса, олий таълим ва бошқарувини, шу жумладан, касб-хунар тизимини замонавий талабларга мослаш, унинг самарадорлигини ошириш, олий таълим билан изчил ва самарали мулоқотини таъминлаш, касб-хунар тизими фаолиятининг очиклигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этаётир.

Сўнгги йилларда Республикамизда мамлакатимиз иқтисодиёти ва кишилик жамияти ривожига қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йил 7 февраль куни президентимиз Ш.М.Мирзиёев фармони асосида **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган “Ҳаракатлар Стратегияси”⁷да бошқа соҳалар қатори ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳам белгилаб берилган. Мазкур соҳанинг ўзагини ташкил қилувчи таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган:** Айниқса, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш; касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш бизнинг олдимизда турган стратегик мақсадлардан бири эканлиги алоҳида қайд этилган.

Erasmus+ “RUECVET: Россия ва Ўзбекистон миллий касб-хунар тизимида ECVETни тажриба-синовдан ўтказиш” лойиҳаси доирасида Никосия университети ва Интерколлежда (Кипр) жорий йилнинг 27-29 март кунлари биринчи халқаро семинар-йиғин ташкил этилди.

Семинарнинг асосий мақсади – олий таълим муассасалари ҳамда касб-хунар таълими ўртасидаги ҳамкорлик шакллари муҳокамаси, касб-хунар тизимида ECVETни жорий этиш йўналишида турли мамлакатларда тўпланган тажрибаларнинг умумлашма таҳлили ҳамда бундай ҳамкорликнинг келгусидаги ривожини учун аниқ йўналишларни ишлаб чиқишдан иборат эди.

Семинарда лойиҳанинг Россия, Ўзбекистон, Кипр, Мальта ва Латвия ОТМлари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилиш давомида маърузачилар тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга амалий жорий этиш билан боғлиқ муаммолар устида тўхталди. Ҳар бири алоҳида, параллел ҳолда фаолият кўрсатаётган бу икки йўналиш орасидаги бўшлиқни тўлдириш учун олий таълимнинг илмий-тадқиқот олиб бориш салоҳиятини амалиётнинг реал эҳтиёжларига бўйсундиришга хизмат қилувчи чидамли механизмлар, институтлар кераклигини таъкидлади.

⁷ <http://strategy.gov.uz/uz/lists/documents>

Бу анча мураккаб масала. Лекин консорциум фаолияти, бир вақтнинг ўзида рақобатдошлик ва ҳамкорлик руҳини мужассамлаштирган ҳолда, айнан шу масала ечимига йўналтирилган.

Никосия университетининг фан, инновация ва технологиялар трансфери бўйича академик координатори Йанна Орфаниду давлат, олий таълим ва илмий бўлинмаларнинг технология ва билимлар трансферидаги биргаликдаги масъулиятига бағишланган маърузасида тадқиқотларни фундаментал, амалий ҳамда инновацион каби турларга бўлиниш масалаларини Кипр тажрибасига таянган ҳолда ёритди. У турли йўналишдаги илмий тадқиқотларни молиялаштиришда тақсимот нисбатининг муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Олий таълимни ислоҳ қилиш бўйича Россия Миллий экспертлар командаси аъзоси, Екатеринбург педагогика университети вакили В. Копнов Россиядаги касб-хунар таълими тизими ва унинг олий таълим билан ҳамкорлигига оид долзарб масалаларга тўхталди. Маърузачи ўз маърузасида касб-хунар таълимининг бозор иқтисодиётига мослашиши, молиялаштириш ва қўшимча даромад топиш манбаларининг хилма-хиллиги, талабалар сонининг сезиларли ўсиши йўналишлари, таълим сифатига бўлган талабнинг ошиб бориши каби омилларга алоҳида эътибор қаратди.

Семинар дастлабки кунининг биринчи ярмида Ўзбекистон делегацияси номидан З. Исақова С. Аҳмадалиева ҳамкорлигида тайёрланган «Ўзбекистонда касб-хунар таълими тизими ва унинг ОТ билан алоқаси» мавзусидаги тақдимот билан маъруза қилди. Маърузада 32 миллиондан ортиқ бўлган аҳоли сонига эга бўлган Ўзбекистон таълим тизимга алоҳида эътибор қаратаётганлиги эътироф этилди. Шунингдек, баъзи умумлаштира статистик маълумотлар ҳам келтириб ўтилди: мамлакатнинг 35% ини 16 ёшгача, 62 %ини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» тўғрисидаги қонунларини амалга тадбиқ этиш натижасида мамлакатда 12 йиллик – умумий ўрта таълим (9 йил) ва ўрта махсус, касб-хунар таълими(3 йил)дан иборат мажбурий бепул таълим жорий этилганлиги алоҳида таъкидланди. Олий таълим тизими эса тўла икки босқичли - 4 йиллик бакалавр ва 2 йиллик магистрлик таълим тизимига ўтказилди. Ҳар йили Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 10-12 % ва давлат бюджетининг 35%и таълим тизимига йўналтирилмоқда.

Шундан сўнг семинар қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини ташаббуси билан охириги йилларда муваффақиятли амалга оширилаётган олий таълим муассасалари билан касб-хунар таълими ўзаро инновацион корпоратив ҳамкорлиги бўйича яратилган намунавий шакл ва уни тадбиқ этиш борасида ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Таркиби профессор-ўқитувчилар, стажёр-изланувчи-тадқиқотчилар (аспирантлар), катта илмий ходимлар (докторантлар), иқтидорли талабалар ва, энг аҳамиятли жиҳати, ишлаб чиқариш корхонаси мутахассисларидан иборат бўлган Инновацион гуруҳлар берилган намунавий шаклнинг асосий таркибий қисми ҳисобланиши таъкидланди. Республика Олий таълим тизимининг деярли барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган Инновацион гуруҳлар олий таълим муассасалари, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги фойдали ҳамкорликни таъминловчи ўзига хос инфратузилма бўлиб хизмат қилмоқда.



1-расм. RUECVET лойиҳаси иштирокчиларининг 1-йиғини. Никосия, Кипр. 2017 йил.



2-расм. Таълим натижаларига бағишланган мастер-класс. Никосия, Кипр. 2017 йил

Семинарнинг кейинги кунларида таълим натижаларини аниқлаш ва уларни тавсифлаш борасида тренинг машғулотлари олиб борилди. Шунингдек, олий таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини касб-ҳунар таълими битирувчиларини ишга жойлаш масалаларини самарали ҳал этиш нуқтаи назаридан таҳлил қилди. Маърузачилар талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлигида самарали ташкиллаштириш, уларни баҳолаш тизимини жорий этиш масалалари юзасидан амалга оширилган ва режадаги ишларга асосий эътиборни қаратиш кераклигини гапириб ўтди.

Умуман, ўтган семинар натижаларини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги **хулосаларни** келтириш мумкин:

1. Олий таълим ва касб-ҳунар таълими ҳамкорлигини кучайтириш семинарда иштирок этган барча давлатлар олий таълим тизимидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда.
2. Отмларнинг салоҳиятли кафедралари қошида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, иқтидорли талабалар ва ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан тузилган Инновацион гуруҳларни ўз вақтида амалга оширилган тадбир сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур йўналишдаги фаолиятни давом эттириш лозим.
3. Илмий-тадқиқот муассасаларида олиб борилаётган илмий ишлар ўз имкониятларини янада кенгайтириши керак. Кафедралар ва илмий лабораториялар илмий-техника тараққиётининг ҳаракатланувчи кучига айланиши лозим.
4. Узоқ муддатли фундаментал, ўрта муддатли амалий ва қисқа муддатли инновацион тадқиқотларни молиялаштириш инновацион тадқиқотларга тақсимланаётган маблағлар ҳажмини ошириш билан бир вақтда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва етакчи мутахассисларининг илмий ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва тижорат мақсадларида фойдаланишнинг мукамал механизминини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши керак. Бунда молиявий маблағларни фундаментал тадқиқотлардан инновацион тадқиқотларга механик тарзда ўтказишга асосланмаслик лозим. Маблағлар тақсимотини фундаментал, амалий ва инновацион ишланмалар бўйича реал ҳолатларга асосланган ҳолда амалга ошириш керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Европейская Комиссия, Added value of national qualifications frameworks in implementing the EQF [Добавленная стоимость национальных рамок квалификаций при внедрении ЕРК], серия ЕРК, 2, Бюро официальных публикаций Европейского Союза, Люксембург, 2010 г.
2. Европейская комиссия, The global approach to migration and mobility [Глобальный подход к миграции и мобильности], COM(2011) 743, Брюссель, ноябрь 2011 г. ЕФО (Европейский фонд образования),
3. Ajwad, Mohamed Ihsan Stefan Hut, Ilhom Abdulloev, Robin Audy, Joost de Laat, Sachiko Kataoka, Jennica Larrison, Zlatko Nikoloski, and Federico Torracchi, 2014. "The Skills Road: Skills for Employability in Uzbekistan," World Bank, Washington, DC.

Компетентность как форма взаимосвязи профессионального обучения с производством (на основе проекта Erasmus+ RUECVET)

Зебо Исакова

*Головной научно-методический центр по организации переподготовки и
повышения квалификации педагогических и руководящих кадров системы высшего
образования
zeboisakova@gmail.com*

Сегодня вопросы компетентности и компетенции на особом внимании представителей каждой области. Цель статьи осветить важность компетентности и составляющих его частей в сфере профессионального образования на примере проекта Erasmus+ RUECVET.

Bugungi kunda kompetentlik va kompetensiya masalalari har bir soha vakillarining alohida e'tiborida bo'lib kelmoqda. Maqola maqsadi kasbiy ta'lim sohasida kompetentlik va uning tarkibiy qismlarining ahamiyatini Erasmus+ RUECVET loyihasi misolida yoritib berishdan iborat.

Nowadays special attention is given to the issues of competence and competent by the specialists in every sphere. The aim of this article is to highlight the importance of competence in the sphere of vocational education basis on the example of the Erasmus+ RUECVET project.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах затрагивает целый ряд направлений деятельности образовательных учреждений, работа которых тесно связана с вопросами развития профессионального обучения в республике и трудоустройства выпускников профессиональных учреждений. Актуальность этих задач было затронуто в докладе президента Ш.М. Мирзияева «Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя», где было отмечено, что: «Самый главный приоритет – реализация Государственной программы «Год диалога с народом и интересов человека», последовательное воплощение в жизнь благородной идеи «Интересы человека – превыше всего» Именно эти ключевые задачи должны стать отправной точкой для внесения серьезных корректив в основные направления и приоритеты углубления экономических реформ».⁸ В свою очередь, формирование конкурентоспособного рынка рабочей силы напрямую зависит от развития ряда ключевых факторов, и прежде всего от квалификации и компетентности выпускников. Именно эту цель преследует СВНЕ проект RUECVET: Пилотирование ECVET в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана.

⁸ <http://www.press-service.uz/ru/lists/view/187>

Следует отметить, что проект RUECVET – это инструмент для укрепления взаимного доверия и усиления мобильности в профессиональном образовании (ПО).

Что такое ECVET? Это Европейская кредитная система профессионального образования и обучения, являющейся европейской инициативой, позволяющей накопить и передать кредиты, полученные путем признания результатов обучения в профессиональном образовании и обучении (ПОО) по всей Европе. ECVET был разработан для содействия признанию достижений в области профессионального образования и обучения в формальном, неформальном и неофициальном обучении. Хотя ECVET опирается на европейское законодательство, участие является добровольным и соблюдаются национальные протоколы.

Цель ECVET - способствовать мобильности рабочей силы в ПОО по всей Европе. Он был опробован в пилотных проектах по всему Европейскому союзу с целью постепенного расширения его применения до более широкого круга квалификаций ПОО, существующих или новых, в рамках инициативы «Образование и обучение 2020».

ECVET облегчает мобильность студентов ПО, позволяя накопить кредиты у разных поставщиков обучения в разных странах. Кредиты проверяются каждым учреждением-получателем и признаются органом, присуждающим степень или окончательную квалификацию.

ECVET является частью общего проекта развития европейского сотрудничества в области профессионального образования и обучения и является одним из его оперативных инструментов. В этой связи ECVET дополняет Европейскую квалификационную структуру (EQF). Фактически EQF и ECVET основаны на общих принципах и концепциях, которые поддерживают подходы:

- основное внимание уделяется результатам обучения, выраженным с точки зрения знаний, навыков и компетентности;
- на основе процесса квалификации;
- адаптированы к требованиям непрерывного обучения и всем контекстам обучения на равной основе;
- ориентированы на мобильность людей.

Таким образом, ECVET можно было бы принять независимо от систем обучения и квалификации. Более того, фактическое внедрение ECVET должно основываться на общих эталонных уровнях, предложенных EQF. Таким образом, европейские рамки должны стать мощным рычагом для принятия ECVET различными компетентными органами, ответственными в государствах-членах за его осуществление на национальном уровне, независимо от наличия национальной системы квалификаций.

Проект RUECVET предназначен для пилотирования внедрения Европейской системы перевода кредитов переводов для ПО (ECVET) в национальной системе государственного и профессионального образования России и Узбекистана путем создания долгосрочной платформы на базе признанных вузов, занимающихся подготовкой учителей. Ключевая идея проекта заключается в том, чтобы сосредоточить изучение теоретических основ функционирования ECVET и освоения практического опыта в странах Программы по необходимости того, чтобы Россия и Узбекистан имели совместимую и сопоставимую систему ПО, которая служит как горизонтально (в рамках ПО), так и вертикально (от ПО до ВО) на национальном и транснациональном уровнях. Основные функции ECVET, такие как результаты обучения, передача кредитов и т. д. будут изучены и адаптированы к законодательным нормам стран-партнеров.

Потенциальными бенефициарами проекта являются высшие учебные заведения, педагогический и административный состав вузов и ПО, преподаватели, инструкторы, инструкторы по обучению, специалисты в области образования России и Узбекистана.

Проект RUECVET рассматривается как ключевая мера для обеспечения гибкости и интернационализации ПО в России и Узбекистане и в то же время способствующая развитию общей образовательной области, охватывающей сферу высшего образования и профессионального образования Европы и соседних стран. Глобальным воздействием нашего проекта является модернизация, доступность и интернационализация области ВО и ПО в России и Узбекистане за счет повышения наглядности и прозрачности знаний, навыков и компетенции, приобретенных учащимися в России, Узбекистане и ЕС.

Проект стартовал в 2016 году. Первый транснациональное собрание состоялось 27-29 апреля 2017 года в Никосии (Кипр). Целью этого визита было четкое понимание структуры ECVET и технических спецификаций, а также список отобранных программ квалификации / ССПО для проведения картографирования в отношении реализации проекта.

Задачи данного мероприятия:

- Ознакомиться с особенностями ECVET и его техническими спецификациями.
- Уточнить квалификации / курсы средне специального образования для деятельности по картированию в ECVET
- Завершить разработку методологических руководств ECVET для реализации проекта

В мероприятие участвовали члены проекта из Узбекистана, России и Европы, в частности: Патрик Моревус - (Лиепайский университет - ЛИЕПУ, Латвия), Виталий Копнов - (Российский государственный профессиональный педагогический университет - RSVPU), Луиза Папалойзу - (Университет Никосии и Интерколледж - ИЦООН, Кипр), Стелий Мавромустакос - Исполнительный директор Intercollege, Вице-президент Европейского форума по техническому образованию и обучению (EfVET), Вероника Султана - Координатор профессиональной подготовки учителей (Колледж искусств, науки и технологий Мальты - MCAST)

Первый день совещания был посвящен технической презентации проекта RUECVET (общая цель и ключевые задачи, рабочий план и расписание, результаты) и обзору ECVET. Д-р Стелиос Мавромустакос представил информацию о ECVET и о необходимых условиях для осуществления на национальном уровне. Он познакомил нас с Европейской рамкой, разъяснил преимущества ECVET, объяснил необходимые меры и условия для его осуществления на национальном уровне.

Yianna Orphanidou, из университет NTMS, Никосия, член группы пользователей ECVET, продемонстрировала технические спецификации ECVET. Она дала подробный обзор спецификаций ECVET. Во время презентации были затронуты следующие ключевые темы:

- Технические характеристики ECVET
- Результаты обучения
- Единицы результатов обучения
- ECVET Кредиты / баллы
- Передача и распознавание
- Передача и накопление
- Соглашение об обучении.

В этот же день была представлена система образования России и Узбекистана. Наша команда провела успешную презентацию по соответствующей теме.

Во второй день транснациональной встречи мы посетили университет Никосии. Г-жа Вероника Султана и ее коллега Конни Ливорри представили опыт внедрения ECVET на Мальте и MCAST. Выступавшие продемонстрировали передовую практику ЕС в реализации ECVET на национальном уровне, основываясь на собственном опыте внедрения ECVET в рамках MCAST. Они обратили внимание на уровень квалификации и разработку учебных планов, определили качественный механизм обеспечения.

В тот же день все университеты-партнеры из Узбекистана и России презентовали свои учебные организации и уточнили квалификацию, над которой они будут работать. Наша проектная команда из КГПИ выбрала области ИТ, Инженерии и Туризма для создания учебных результатов (УР) по квалификациям.

Третий день совещания был посвящен упражнению по составлению карт, процесс координировали Йанна Орфаниду, Вероника Султана и Конни Ливори. Мы были ознакомлены с учебной деятельностью ECVET. Мы научились определять, как квалификация подразделяется на единицы УР и описывать единицы результатов обучения в соответствии с требованиями ECVET.

Заседание руководящего комитета состоялось в последний день заседания. Координатор проекта Патрик Моревс объяснил, что такое финансовый менеджмент проекта, проинформировал об управлении бюджетом, рассказал о том, как разделить расходы на персонал и командировочные расходы. Мы обсуждали вопросы управления проектами и управления - ключевые виды деятельности и обязанности, определяли, каковы основные результаты / мероприятия.

Был согласован план работы на следующие 6 месяцев. Очередное совещание по проекту было решено провести в Кокандском государственном педагогическом институте, Узбекистан, 11-14 сентября 2017 года.

Выводы. Этот визит в Кипр стал важным шагом на пути пилотирования ECVET в Узбекистане. Хотя национальные квалификационные рамки (НКР) не определены в нынешней системе образования Узбекистана, это не означает, что они не существуют. В настоящее время набор Стандартов обучения и «Классификатор направлений и специальностей высшего образования» обеспечивают структуру определенных и аккредитованных на национальном уровне квалификаций, которые присуждаются на определенных уровнях, указывают взаимосвязи квалификаций и как можно продвигаться с одного уровня на другой. Таким образом, государственные образовательные стандарты (ГОС) и образовательный классификатор - это путь, посредством которого страна объединяет образование и обучение в единой единой системе. Более того, они обеспечивают основу, которая обеспечивает качество, признанное на национальном уровне и обеспечивает способ структурирования существующих и новых квалификаций. Эта роль почти идентична той, что была дана НКР в европейских странах.

Преимущества системного уровня. С точки зрения системного уровня использование результатов обучения - ключевого компонента ECVET и многих других европейских инструментов и инструментов признания - обеспечивает большую гибкость в образовании и обучении, позволяя учащимся накапливать результаты обучения с целью достижения квалификации или частичного обучения, квалификация. Результаты обучения также способствуют повышению прозрачности между странами, системам и квалификациям и опираются на успехи Европейской системы квалификаций - единой европейской структуры, которая облегчает перевод различных национальных квалификационных рамок и их составных частей.

Преимущества для географической мобильности. С точки зрения географической мобильности ECVET нацелен на более широкое признание результатов обучения, достигнутых в период мобильности. Это усиление признания повышает доверие к программам обучения и международной мобильности, как с точки зрения индивидуального студента - признавая и приписывая ценность тому, что они предприняли во время своей программы мобильности, - и с точки зрения рынка труда - подтверждая важность периода мобильности с точки зрения непрерывного обучения и повышения квалификации.

Принципы и практика ECVET также способствуют более высокому качеству мобильности, при этом многие общие инструменты и документы, принятые в рамках реализации ECVET (например, Меморандум о взаимопонимании, соглашения об обучении), способствуют более успешному опыту мобильности и в долгосрочном аспекте, потенциально

уменьшает нагрузку, связанную с международной мобильностью. ECVET способствует структурированной мобильности, благодаря которой достигнутые результаты обучения могут быть лучше интегрированы в существующие образовательные программы и методы обучения.

В дополнение к признанию сходства различных учебных программ и систем ECVET также оценивает различия, при этом определенные программы мобильности позволяют получить доступ к знаниям и навыкам, которые могут быть менее доступны на местном уровне (например, использование конкретных ингредиентов, технологий или методов).

Обмен успехами и опытом. Для тех, кто участвовал в ранних годах тестирования и развития, ECVET предоставила возможность учиться у других компаний, организаций и учреждений, реализующих один или несколько принципов или практики ECVET, обменявшись успехами и извлеченными уроками и создав более сильные сообщества развития ECVET. Последней и важной частью работ по внедрению ECVET было создание Сообщества практики, в котором участвуют практикующие специалисты ECVET из разных европейских стран и секторов в целях налаживания партнерских отношений, обмена опытом и, в более общем плане, содействия реализации ECVET.

Рекомендации. Мы рекомендуем анализировать наши стандарты и систематизировать уже существующие требования к знаниям, навыкам и навыкам на основе требований ECVET. Перед тем, как приступить к внедрению ECVET, важно рассмотреть преимущества для вашей компании, организации или учреждения и дополнительную ценность, которую ECVET может внести в существующие программы и практику.

Как показывает международная практика, путем внедрения одного или нескольких элементов ECVET можно улучшить и повысить качество мобильности для всех бенефициаров и заинтересованных сторон. Для тех, кто нацелен на системное изменение уровня, существуют еще больше преимуществ. Во всех случаях ECVET обеспечивает:

- Повышение гибкости в образовании и обучении с целью создания (полной или частичной) квалификации.
- Более широкое признание обучения, в том числе достигнутое благодаря географической мобильности.
- Повышение доверия к международной мобильности среди учащихся и работодателей.
- Структурированное и гарантированное качество мобильности, которая приводит к сокращению рабочей нагрузки для специалистов по мобильности в долгосрочной перспективе и использованию общего инструментария для признания мобильности.
- Улучшение понимания различных национальных или региональных систем ПОО по мобильности среди специалистов.
- Результаты обучения, которые легче интегрируются в существующие образовательные и учебные пути.
- Доступ к знаниям и навыкам через географическую мобильность, которые могут быть недоступны на местном уровне.
- Развитие взаимного доверия и обмен опытом между практиками мобильности и компетентными учреждениями как на национальном, так и на международном уровне.

Таким образом, как было отмечено в заключение, возрастает важность «партнерских отношений» и создания сетей «сотрудничающих организаций», посредством которых учебные заведения и бизнес могут открыто сотрудничать для достижения взаимных целей. Чтобы эта деятельность была максимально успешной, необходимо понять, как построить так называемые «отношения, основанные на взаимном влиянии и обучении», где стороны не просто работают параллельно, а приспосабливаются к потребностям друг друга и учитывают опыт эффективной работы своих партнеров. Такие отношения могут быть построены только на высоком уровне взаимного доверия.

ЛИТЕРАТУРА

1. http://europass.isfol.it/docs/doc_eng/ECVET_eng
2. <http://www.ruecvet.uz/ru/>

Ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитишда олий таълим муассасаларининг роли (Erasmus+ MAGNET лойиҳаси мисолида)

Чилматова Д.А., *chilmatova@mail.ru*

Саттарова Х.Б., *sattarova.hilola@mail.ru*

Исмоилова С.Я., *sanobar-ismoilova@mail.ru*

Ўринов Д.А., *urinov@gmail.com*

Фарғона давлат университети, Фарғона ш., Ўзбекистон

Ушбу мақола Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини ошириш, айниқса ишсиз ўрта ёш аҳолини ўқитиш ва малакасини ошириш борасида олий таълим муассасаларини ролини ошириш муаммоларини ўрганишга қаратилган.

Данная статья о социальной защите и увеличении занятости населения в Узбекистане, особенно увеличение роли университетов в обучении и переквалификации среди безработного средневозрастного населения

This article is about social protection and increase status in employment of population in Uzbekistan, especially increase the role of universities in training and retraining unemployment middle age generation.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг муҳим омилларидан бири сифатида аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (1998 й.), “Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низом (1999 й.), “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишга қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом (2008 й.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2017 й.) каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан биргаликда, ҳар йили янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича йил номи билан боғлиқ ҳолда давлат дастурлари ишлаб чиқилади. Ушбу давлат дастурларида йил давомида минтақалар кесимида янги иш ўринларини яратиш, ишсиз аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича алоҳида бўлимлар мавжуд. Мазкур бўлимларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан сезиларли натижаларга эришилмоқда. Шу билан биргаликда, қатор йўналишлар бўйича муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш мақсадида ислохотларни янада чуқурлаштириш талаб этилади. Мисол учун, статистик маълумотларга кўра 2016 йилда Фарғона вилояти аҳолиси 3 534 900 кишини, шундан меҳнат ресурслари 2017200 тани ташкил этади. Умумий меҳнат ресурсларининг 79 фоизи иқтисодий фаол аҳоли (1596636 киши)дан иборат. Иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд қисми 1508296 кишидан, бундан, 877796 нафари, яъни 58 фоизи иқтисодиётнинг расмий секторида, 489618 киши, яъни 32 фоизи норасмий секторда бандларни ташкил этади [7. 3-бет]. Иқтисодиётнинг норасмий сектори, яъни рўйхатга олинмаган кўча савдоси, улгуржи воситачилик операцияларида, хизмат соҳасида ва бошқа соҳаларда иш билан банд бўлган фуқаролар ишсизликни камайтиришнинг маълум амартизатори бўлиб келган. Лекин норасмий секторда банд бўлганларнинг асосий қисмини шуғулланаётган фаолиятининг мавсумийлиги, айрим хизмат турларига талабнинг доимий эмаслиги, ҳамда ушбу секторда банд бўлганларнинг таҳлили борасидаги аниқ маълумотларга эга бўлишнинг қийинлиги сабабли, бизнингча яширин ишсизлик миқдори расмий ишсизлик миқдоридан кўпроқни ташкил этмоқда.

Маълумки, меҳнат ресурсларини ёш мезонлари бўйича 5 гуруҳга бўлиб ўрганилади:

1-гуруҳ. Ёшлар- (16-29 ёш);

2-гурух. Ўрта ёшлилар (30-49 ёш);

3-гурух. Пенсияолди ёшдагилар (аёллар 50-54 ёшгача; эркеклар 50-59 ёш);

4-гурух. Пенсия ёшдагилар (55 ёш ва ундан юқори аёллар; 60 ёш ва ундан юқори эркеклар);

5-гурух. Ишловчи пенсионерлар.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 % ини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, асосан ёшлар билим олиш, касбий маҳоратини ошириш, ҳарбий хизматни ўташ билан машғул бўладилар. Шунинг учун меҳнат ресурсларининг энг юқори фаоллиги ва иш билан бандлиги 25-49 ёш оралиғидаги ўрта ёш аҳолига тўғри келади. 50 ёшдан сўнг эса, меҳнат фаоллиги аста – секин пасайиб боради [6. 237-бет].

Расман рўйхатга олинган ишсизларни янги касбга йўналтириш ҳам ишсизликни камайтириш йўлларида биридир. Бундай тадбирларни маҳаллий, минтақавий ва миллий даражада молиялаштириш амалга оширилмоқда. Ушбу маблағлар Давлат дастурлари доирасида кўзда тутилган ёшларни, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш йўналишидаги тадбирлар учун сарфланиб, ўрта ёшдаги иш билан банд бўлмаган аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш муаммосини тўлиқ камраб олмаган. Шу билан бирга турли давлат ва нодавлат институционал тизимлар томонидан ташкил этиладиган ишсиз аҳолини касбга йўналтириш ва қайта тайёрлаш тадбирлари қисқа муддатли ўқитиш тизимларидан иборат. Лекин, ишсиз ўрта ёш аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси юқорилиги, уларни иш билан банд қилиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда қуйидаги камчиликларнинг мавжудлиги бу борадаги олиб борилаётган ислохотларнинг тўқис амалга ошишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда:

- миллий менталитетимизга кўра ишсиз аҳоли меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилиш даражаси пастлиги;

- ишсиз аҳолини касбга йўналтириш бўйича меҳнат органлари ва хусусий субъектлар томонидан ташкил этилган ўқув курсларига ишсиз ўрта ёш аҳолининг камроқ мурожаат этиши (моддий омиллар, ўқув курслари гуруҳларини ташкил этишда тингловчилар ёшининг инобатга олинмаслиги аҳоли ўртасида курсларга ишончсизликнинг мавжудлиги);

- аксарият ўқув курсларини олиб бораётган тренерларнинг етарли билим, тажриба ва малака ҳамда мотивацияга эга эмаслиги;

- ишсиз ўрта ёш аҳолининг иқтисодий, ҳуқуқий билимини етишмаслиги, компьютер саводхонлиги даражасининг пастлиги.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларнинг бартараф этилиши, бизнингча, ишсизлик ҳолати даражасининг пасайишига олиб келиши ва ушбу соҳада амалга оширилган ислохотларнинг янада самарали бўлиши учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунида таъкидланишича, ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўқув юртларида меҳнат органларининг йўлланмалари бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, ўқув юртлари ва меҳнат органлари ўртасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада самарали ташкил этиш мақсадида Олий таълим муассасалари (ОТМ) бу муаммога жиддий қарашлари лозим. Чунки ОТМда мазкур ишларни амалга ошириш учун етарли шароитлар мавжуд. Жумладан, интеллектуал потенциалнинг юқорилиги, моддий-техник базанинг етарлилиги, меҳнат бозорини ўрганиш ва касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича тажрибанинг мавжудлиги ва ҳ.к.. Шу билан бирга, бандликка кўмаклашиш тизими билан ҳамкорлик олий таълим муассасалари томонидан меҳнат бозоридаги талаб мавжуд бўлган йўналишлар ва мутахассисликларни аниқлаш асосида талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича таълим хизматларини йўлга қўйиш имкониятини кенгайтиради.

Ишсиз аҳолини ўқитиш ва касбга йўналтириш мамлакатда ишсизликни камайтиришга қаратилган муҳим чоралардан биридир. Маълумки, Европа аҳолисининг аксарият қисмини ўрта ёшлилар ташкил қилади. Шу сабабли Европа давлатларида аҳолининг ўрта ёш қатламини ўқитиш, касбга йўналтириш ёки қайта тайёрлаш борасида жуда катта тажриба тўпланган. Европа давлатларида аҳолининг ўрта ёш қатламини ўқитиш, касбга йўналтириш ёки қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи институтлар, марказлар мавжуд (European Centre for the Development of Vocational Training (CEDEFOP), founded in 1975, Thessaloniki, Greece). Аксарият Европа Олий таълим муассасаларида ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида фаолият сифатида қаралади. Ўзбекистон ОТМларида эса бу соҳадаги фаолият мавжуд муаммоларни деярли қамраб олмаган. Айнан шу сабабли мазкур институтлар ва марказларнинг иш фаолиятларини ўрганиш, ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, қайта тайёрлаш тажрибасидан кенг фойдаланиш мамлакатимизда ўрта ёш ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш имкониятини беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЕИ мамлакатларида шаклланган тажрибаларни Ўзбекистон ОТМларида ва бандликка кўмаклашувчи институционал тизимлар фаолиятида жорий этилишига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. ОТМнинг ўрта ёш ишсиз аҳолини касбга йўналтириш ва касбий қайта тайёрлаш бўйича фаолиятини янада жонлантирилиши бир томондан жамиятдаги меҳнат бозорида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишга, иккинчи томондан уларнинг таълим хизматлари бозорида талаб юқори бўлган таълим йўналишларини таклиф этиб бориш имкониятини кенгайтиради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги Қонуни. 1998 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Т.:Адолат-2010.
3. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2017 й.
4. “Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низом. 1999 й.
5. “Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишга қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом. 2008 й.
6. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Меҳнат. 2004 й.
7. Фарғона вилояти меҳнат бошқармаси маълумотлари. 2016 й.

MAGNET лойиҳаси доирасида қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича семинар-тренинг

Носиров Баходиржон, Андижон қишлоқ хўжалик институти
nosirov_bz@mail.ru

В рамках проекта MAGNET программы Erasmus+ Европейского Союза организован семинар-тренинг по направлению сельского хозяйства Карьерным центром Андижанского сельскохозяйственного института и Андижанским областным научно-производственным центром сельского хозяйства с 24 июля по 29 июля 2017 года. Мобильный семинар-тренинг организован в здании биофабрики Балыкчинского района. О месте и времени проведения семинар-тренинга объявлено с помощью сотрудников отдела хокимията Балыкчинского района, а также с помощью сотрудников биофабрики Балыкчинского района. Из 20 граждан, живущих рядом и захотевших участвовать, организованы 2 группы.

Рекомендационное пособие по сельскому хозяйству для проведения семинар-тренинга подготовили и распечатали локальный координатор проекта Erasmus+ MAGNET к.э.н. Баходиржон Носиров, заведующей кафедрой "Защита растений и карантин" д.с.-х.н. Махпуза Юсупова и старший преподаватель кафедры "Овощеводство, фруктоводство, виноградарство и технология их хранения и первичной переработки" Иброҳимжон Иминов. Рекомендационное пособие состоит из самых современных, простых, понятных, иллюстрационных 68 страниц и 2 частей: Рациональное использование подсобного хозяйства и Защита садов от вредителей. Кроме этого подготовлены стенды и презентации. Распечатанная книжка вложена в компактную папку с необходимыми канцелярскими вещами. Тренинг направлен на демонстрацию предпринимательских возможностей в сельском хозяйстве. После перерыва на обед, тренинг проводился в саду как практическое интересное занятие. В конце тренинга выдается специальный сертификат.

In framework of the Erasmus+ MAGNET project of the European Union, agriculture oriented seminar-training organized by the Career Center of the Andijan Agricultural Institute and the Andijan Regional Research and Production Center for Agriculture from July 24 to July 29, 2017. The mobile seminar-training seminar is organized in the building of the bio-factory of Balykchy district of Andijan province. The place and time of the seminar-training was announced with the help of the staff of the Agricultural Department of Balikchy district hokimiyat, as well as with the help of employees of the bio-factory of the Balykchy district. From the 20 citizens living nearby and wanting to participate, 2 groups are organized.

The recommendation manual on agriculture for seminar-training was prepared and printed by the local coordinator of the Erasmus+ MAGNET project Ph.D. Bakhodirjon Nosirov, Head of the Department "Plant Protection and Quarantine" Dr.Sc. Maxpuza Yusupova and the senior teacher of the department "Horticulture, viticulture and technology of their storage and primary processing" Ibrohim Iminov. The recommendation manual consists of the most modern, simple, understandable, illustrative 68 pages and 2 parts: Rational use of subsidiary plots and Protection of gardens against pests. In addition, stands and presentations were prepared. The printed book is enclosed in a compact folder with necessary stationery. The training is aimed at demonstrating entrepreneurial opportunities in agriculture. After a lunch break, the training was held in the garden as a practical and interesting activity. At the end of the training a special certificate is issued.

Мустақилликка эришилганидан сўнг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг муҳим омилларидан бири сифатида аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни (1998), "Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги Низом (1999), "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишга қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом (2008) каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Охирги йиллардаги давлат дастурларида минтақалар кесимида янги иш ўринларини яратиш, ишсиз аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича алоҳида бўлимлар мавжуд ва бу бўлимларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ҳар йили мамлакат бўйича бир миллионга яқин иш ўринлари яратилмоқда ва ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш бўйича тизимли иш олиб борилмоқда.

Янги иқтисодий-ижтимоий шароитда кадрлардан юксак савия, ижодий ташаббус, замонавий иқтисодий фикрлаш, ишнинг янги услуб ва кўникмаларини эгаллаш талаб қилинади.

Лекин, ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга тайёрлашда қўйидаги камчиликларнинг мавжудлиги бу борадаги олиб борилаётган ислохотларнинг тўқис амалга ошишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда:

- миллий менталитетимизга кўра ишсиз ўрта ёш аҳоли меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилиш даражаси пастлиги;

- ишсиз аҳолини касбга йўналтириш бўйича меҳнат органлари ва хусусий субъектлар томонидан ташкил этилган ўқув курсларига ишсиз ўрта ёш аҳолининг камроқ мурожаат этиши (моддий омиллар, ўқув курслари гуруҳларини ташкил этишда тингловчилар ёшининг инобатга олинмаслиги аҳоли ўртасида курсларга ишончсизликнинг мавжудлиги);

- аксарият ўқув курсларини олиб бораётган тренерларнинг етарли билим, тажриба ва малака ҳамда мотивацияга эга эмаслиги;

- ишсиз ўрта ёш аҳолининг компьютер саводхонлиги даражасининг пастлиги.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўқув юртларида меҳнат органларининг йўлланмалари бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, ўқув юртлари ва меҳнат органлари ўртасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада самарали ташкил этиш мақсадида Олий таълим муассасалари (ОТМ) ролини ошириш зарур. Чунки ОТМда мазкур ишларни амалга ошириш учун етарли шароитлар мавжуд. Жумладан, интеллектуал салоҳиятнинг юқорилиги, моддий-техник базанинг етарлилиги, меҳнат бозорини ўрганиш, касбга тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича тажрибанинг мавжудлиги ва бошқалар. Шу билан бирга бандликка кўмаклашиш тизими билан ҳамкорлик олий таълим муассасалари томонидан меҳнат бозоридаги талаб мавжуд бўлган йўналишлар ва мутахассисликларни аниқлаш асосида талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича таълим хизматларини йўлга қўйиш имкониятини кенгайтиради.

ОТМлар қошида ташкил этиладиган Карьер марказлари Европа Иттифоқи мамлакатларида ушбу соҳада тўпланган тажрибаларни ўрганиш, олинган билимларни мамлакатимиз ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий этиш орқали давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатига кўмаклашади.

Юқоридаги муаммоларни самарали ҳал этилиши мақсадида Erasmus+ MAGNET лойиҳаси консорциум аъзолари "Университетлар -Ўзбекистонда ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш марказлари тармоғининг асосий ҳамкори сифатида" () амалга оширишга қарор қилишди. Ушбу лойиҳа ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш ва шу орқали уларнинг реал даромадини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш учун хизмат қилади.

Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури "MAGNET - Университетлар Ўзбекистонда ўрта ёш аҳолини ўқитиш ва касбий тайёрлаш марказларининг асосий ҳамкори" лойиҳаси доирасида Андижон қишлоқ хўжалик институти қошидаги Карьера маркази ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Андижон вилоят бўлими томонидан қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 2017 йил 24 - 29 июлгача семинар-тренинг ўтказилди. Кўчма семинар-тренинг Балиқчи тумани биофабрикаси биносида ташкил этилди. Семинар-тренинг ўтказиш вақти ва жойи ҳақида Балиқчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ва биофабрика ходимлари ёрдамида олдиндан эълон берилган бўлиб, асосан Балиқчи фуқаролар йиғинида яшовчи 20 нафар фуқаро қатнашиш истагини билдирди ва 2 та гуруҳга ажратилган ҳолда ташкил этилди.

MAGNET лойиҳасининг Андижон қишлоқ хўжалик институтидаги координатори Баходиржон Носиров, "Ўсимликлар ҳимояси ва карантини" кафедраси мудири қ.х.ф.д. Махпуза Юсупова, Мева-сабзавотчилик, узумчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси кафедраси катта ўқитувчиси Иброҳимжон Иминов томонидан қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича семинар-тренинг ўтказиш тавсиянома тайёрланди ва чоп этилди. Тавсиянома 68 бетдан иборат бўлиб, 1-қисми "Томорқа ерларидан фойдаланиш" ва 2-қисми "Мевали боғларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш" деб энг янги материаллар содда тушунарли тарзда расмлар билан берилган. Бундан ташқари лойиҳа ҳақида

стендлар, презентациялар тайёрланди. Иштирокчиларга дафтар ва ручка тарқатилди. Семинар-тренинг қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик имкониятларини намойиш этишга мўлжалланган. Тушлиқдан кейинги дарслар амалий тарзда боғда ўтилди ва кўрғазмали ҳолда тушунтирилди. Семинар-тренинг якунида махсус сертификатлар берилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари ҳамда бандликка кўмаклашиш ва жамоат фондлари мутахассислари томонидан ишчи кучи бозорида мамлакатда мавжуд муаммоларни реал таҳлил қилиш асосида уларни бартараф этишни мақсад қилган ҳолда тайёрланди. Ушбу муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этиш вазифалари билан шуғулланувчи ва бу соҳада тажрибага эга бўлган ташкилотлар ўртасида учрашув ташкил этилиб, унда лойиҳа мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижалар аниқлаб олинган.

Карьера марказининг касбга йўналтириш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш курсида иш билан банд бўлмаган иқтисодий фаол аҳолининг меҳнат органларига расмий мурожаат қилмаган қисмининг ҳам қамраб олиниши ва бу борада Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказлари, хотин-қизлар Кенгаши ҳамда ОТМлар ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши янги иш ўринларини ташкил этишда ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида қабул қилинади.

Лойиҳа доирасида яратиладиган Марказларнинг интернет сайтида марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган хабарлар, ўқув курсларини тамомлаган тингловчилар, бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базасининг ташкил этилиши ҳамкор ташкилотлар ҳамда фаол иш кидираётганлар ва иш ўринларини яратувчилар ўртасида ахборотлар алмашинуви узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Марказда касбга йўналтириш курсларининг меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши, жалб қилинадиган тингловчиларни танлаш жараёнида уларнинг базавий маълумотининг сўралмаслиги, ёш омилни ҳисобга олиниши, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида меҳнат ресурсларини замон талабига мослаштиришга йўналтирилганлиги, тингловчилар ҳамкор ташкилотлар орқали жалб қилиниши кабилар лойиҳанинг инновативлигини кўрсатади.

Амалиётга йўналтирилган барқарор қишлоқ хўжалиги таълими

А.Тўйчиев, С. Махмудов, Б.Носиров

(Андижон қишлоқ хўжалиги институти, e-mail: abdurahmon69@inbox.ru)

В рамках проекта «Кредитная мобильность» программы Эразмус+ организован тренинг в июле 2017 года в университете Вайнштефан-Триздорф (Германия) на тему “Устойчивое сельскохозяйственное образование, ориентированное на практике) для преподавателей сельскохозяйственных вузов Узбекистана. Цель тренинга направлена на дальнейшее и устойчивое развитие сельского хозяйства и подготовка к получению двухстороннего магистерского диплома. Во время тренинга участники ознакомились с опытами практического обучения Университета Вайнштефан-Триздорф.

2017 йилнинг июлида Вайнштефан-Триздорф Университетида Erasmus+ дастурининг “Kredit mobiligi” йўналиши доирасида “Амалиётга йўналтирилган барқарор қишлоқ хўжалиги таълими” мавзусида халқаро ўқув-амалий семинари ташкил қилинди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таклиф қилинди. Халқаро илмий-амалий семинарнинг асосий мақсади аграр соҳани қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, икки томонлама магистрлик дипломини олишни ташкил қилишга қаратилган.

On July 2017 in the framework of “Credit Mobility” of Erasmus+ programme organised a training “Erasmus+ Practice-oriented Sustainable Agriculture Education” at Weihenstephan-Triesdorf University (Germany) for teachers of Agricultural Universities of Uzbekistan. Purpose of training aimed at the further and sustainable development of agriculture and preparation for obtaining double degree Master’s diplomas

Вайнштефан-Триздорф Университети Германиянинг нуфузли университетларидан бири хисобланиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассис-кадрлар тайёрлашда Европа Иттифокида етакчи ўринни эгаллайди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган талабалар қишлоқ хўжалиги менежменти мутахассислиги бўйича таҳсил олиш билан бирга амалий билимларини фермер хўжаликларига ўташ имкониятларига эга. Бундан ташқари университет хорижий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан илмий-амалий ҳамкорлик ишларини олиб боради ва ўқув-амалий семинарларни ташкил қилади.

2017 йил июл ойида Вайнштефан-Триздорф Университетида Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури “Кредит мобиллиги” лойиҳаси доирасида “Амалиётга йўналтирилган барқарор қишлоқ хўжалиги таълими” халқаро ўқув-амалий тренинги ташкил қилинди. Тренингга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таклиф қилинган, жумладан Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Урганч давлат университети, Андижон қишлоқ хўжалик институти ва бошқа Европа давлатларининг олий таълим муассасаларидан жами 32 нафар профессор-ўқитувчилар халқаро тренингда иштирок этиш учун ташриф буюришган.

Германиянинг Вайнштефан-Триздорф Университетида ташкил қилинган халқаро илмий-амалий тренингни асосий мақсади “Аграр соҳани қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, иккитомонлама магистрлик дипломини олишни ташкил қилишга қаратилган.

“Erasmus+ дастурининг “Амалиётга йўналтирилган барқарор қишлоқ хўжалиги таълими” халқаро ўқув-амалий тренингни очилиши маросимида Вайнштефан-Триздорф Университетининг “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” факультети декани профессор, мульти доктор Ральф Шлаудерер Вайнштефан-Триздорф Университетининг тақдимотини ҳавола этди. Тақдимотда Вайнштефан-Триздорф Университетнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, талабалар сони, факультетлари, кафедралари, таълим йўналишлари, ўқув марказлари ва уларнинг фаолияти билан таништирди. Университетдаги ўқув жараёнларининг бориши, бакалавр ва магистратура мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ва эришилган натижалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Вайнштефан-Триздорф Университетида жами 7000 дан зиёд талаба бўлиб, шундан 1850 нафари биринчи курс талабалари хисобланади.

Тренинг давомида Университетнинг ўқув корпуслари, лабораториялари, тажриба участкалари ва фермер хўжаликлари, жумладан парандачилик корхонаси, университет ҳудудида жойлашган сут ишлаб чиқариш фермаси, чорвачилик фермаси ва боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолияти билан амалий таништирилди.

Университетда назария ва амалиётнинг уйғунлашганлигини кўриш мумкин. Бунга мисол сифатида университет ҳудудида жойлашган фермер хўжалигини айтиш мумкин. Ушбу фермер хўжалигида сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш юқори технологиялар асосида олиб борилади. Сигирларга озуқа маҳсулотлари тайёрлаш кескин рацион орқали амалга оширилади. Уларни парвариши, озукланиши тўлиқ автоматлаштирилган. Сут маҳсулотларини соғиб олиш

автоматик роботлар ёрдамида амалга оширилади. Сут етказиб бериш жараёнлари тўлиқ намайиш этилишини таҳсил олаётган талабалар ўз кўзлари билан кўриб жараённи кузатиш имкониятига эга.

Фермер хўжалигида чорва хайвонлари учун ем-хашак ва озуқа экинлари экиш ишлари тўлиқ механизациялаштирилган. Фермер хўжалигида мавжуд техника воситалари ва мосламалари билан яқиндан таништирилди. Механизация ишларини олиб боришда талабаларнинг иштирок этаётганлиги кузатилди. Ушбу фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ва таълим жараёни узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Вайнштефан-Триздорф Университети профессори доктор Кристиан Шух “Қишлоқ хўжалигида маржинал даромадни хисоблаш” мавзусидаги презентацияни ҳавола қилди. Мавзунинг асосий мазмуни фермер хўжаликлари фойдалини режалаштириш ва харажатларни оптималлаштиришдан иборат эканлиги айтиб ўтилди. Ўсимликчилик ишлаб чиқариш жараёнини баҳолаш учун қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтилди, жумладан ўсимликнинг тури, нави, экиш тизими (ўртача катталиги, йиллик ҳосилдорлик, суғориладиган ва лалмикор ерлар ва ҳаказо) ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, харажатлар, бозоргир маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш воситалари баҳолари ва механизациялаштириш ишларини ташкил қилинишига катта эътибор қаратиш кераклиги тўғрисида гапириб ўтди ва амалий мисоллар келтирди.

Профессор, доктор Кристиан Шух семинар иштирокчиларини Триздорф қишлоғидаги “Вайзер” фермер хўжалигига олиб борди ва у ерда фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан таништирди. Ташриф мобайнида фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича маълумотлар олинди. Жумладан, фермер хўжалигининг умумий ер майдонлари, экин майдонлари, экин турлари ва уларнинг навлари, ҳосилдорлик ва унга таъсир этувчи омиллари, механизациялаштирилганлик ҳолати ва молиявий активлари тўғрисида маълумотлар йиғилди. Бундан ташқари фермер хўжалигининг чорва хайвонлари, сут етиштириш ва биогаз маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан таништирилди.

Амалий-ўқув тренинг давомида профессор, доктор Холцнер “Қишлоқ хўжалигини кўллаб-қувватлаш бўйича олинган маълумотлардан фойдаланиш: маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва маълумотларни йиғиш усуллари” мавзусидаги тақдимотни ҳавола қилди. Профессор Холцнер ўз маърузасида қишлоқ хўжалигида механизациялардан фойдаланишнинг иқтисодий самардорликка таъсири ҳақида гапириб ўтди.

Фермер хўжалиги ўз фаолиятини режалаштираётганда КТВЛ нормативларидан фойдаланишни алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу нормативлар асосида механизациялардан фойдаланиш нормалари, жумладан ерни экишга тайёрлаш, экиш, вегетация даври ва ҳосилни йиғиб олишда сарфланадиган вақт меъёрлари, меҳнат ва ёқилғи сарфлари миқдорларидан фойдаланиш мумкин.

Амалиёт ва назарияни ўзаро боғлаш асосида биз Триздорф қишлоғидаги “Вайзер” фермер хўжалигидан олган маълумотларимиз бўйича таҳлил олиб бордик. Бунда фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари КТВЛ нормативлари билан таққосланди ва фермер хўжалигининг умумий ер майдонлари, экин майдонлари, экин турлари ва уларнинг навлари, ҳосилдорлик ва унга таъсир этувчи омиллари, механизациялаштирилганлик ҳолати ва молиявий активлари тўғрисида олинган маълумотлар хўжаликни қандай эканлиги ва унинг келгусида ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланади.

Тренинг давомида навбатдаги маърузачи Вайнштефан-Триздорф университети магистранти Ўзбекистонлик талаба Учқун Абдуллаев “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва маълумотлар йиғиш усуллари” мавзусида тақдимот қилди.

Такдимотда немис фермер хўжаликларини режалаштириш жараёнида маълумот тўплаш усуллари бўйича сўз борди ва амалий мисоллар билан ҳавола этилди. Аграр сохани қўллаб-қувватлаш ва ўқитишда маълумотлар базасидан фойдаланиш усуллари талабаларни амалий жараёнида ўз билимларини қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишда яқиндан ёрдам беради.

Тренинг якунида профессор, мульти доктор Шлаудерер фермер хўжаликларини режалаштириш ва инвестициялаш ҳамда иқтисодий таҳлил қилиш бўйича маъруза қилди. Маърузада фермер хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича таҳлил қилиш ва уларни баҳолашда қўлланадиган усуллар ҳақида маълумот берди. Бундан ташқари маърузада университетдаги ўқув жараёнларининг бориши, бакалавр ва магистратура мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг фанлар бўйича ўқув режаларининг амалиёт билан мутаносиблиги ва амалиёт билан боғлаб олиб бориш усуллари тўғрисида маълумот берди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки халқаро илмий-амалий семинарда Вайнштефан-Триздорф университетининг ўқув корпуслари, лаборатория хоналари, тажриба участкалари ва фермер хўжаликлари, жумладан паррандачилик, сут ишлаб чиқариш корхонаси, чорвачилик фермалари ва боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолияти билан яқиндан амалий таништирилди.

Аҳамиятли томони шундаки, Германияда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техника-технологиялари инновацион махсулотларини университетда таъминланиш амалиёти ишлаб чиқарувчилар томонидан рағбатлантириш тизими мавжудлиги университетнинг молиявий, техник базасини замон талабига мос келишини кузатиш мумкин. Барча турдаги техника-технологиялар ишлаб чиқаришдан тўғридан-тўғри университетга ажратилиш механизми бунга имконият беради.

Research and development of PhD studies

Guli Ergasheva Ismoil qizi
Senior scientific researcher, UZSWLU
rusgul@yandex.ru
+99891 132 92 26

The objective of the project 2015-2-UK01-KA107-022779 is to provide a professional development and better understanding of teaching and learning in the field of translation and interpreting in partner institutions – London Met and UzSWLU. One of the tasks of the project is to consider the curriculum innovations and design issues, quality assurance and enhancement, and employability which will allow better opportunities for students and teaching staff in both institutions. The article deals with another strand of cooperation: research and development of PhD studies which expect concrete proposals regarding support improvement for research students in both universities. The paper includes the aim and tasks as well achievements of PhD student visit for three months (13.01.2017 - 07.04.2017) period.

Цель проекта 2015-2-UK01-KA107-022779 – обеспечить профессиональное развитие и осмысление преподавания и обучения в области письменного и устного перевода в партнерских учреждениях. Одной из задач проекта является рассмотрение введения новых учебных программ и вопросов планирования, обеспечения качества и совершенствования, а также возможностей трудоустройства, которые позволят раскрыть больший потенциал студентов и преподавателей в обоих учреждениях. В статье рассматривается одна из отдельных проектов сотрудничества: усовершенствование PhD исследований, в которых намечаются конкретные предложения по улучшению поддержки студентов-исследователей обоих университетов. В статье излагаются цели и задачи, а также результаты поездки PhD студента на срок 3 месяца (13.01.2017 - 07.04.2017).

2015-2-UK01-KA107-022779 лойиҳасининг мақсади – ҳамкор ўқув юртлари доирасида ёзма ва оғзаки таржимага ўқитишни касбий ривожлантириш. Лойиҳа мақсадларидан бири янги ўқув

дастурларини жорий этиши ва режалаштириши масалаларини кўриб чиқиши, шунингдек ҳар икки муассаса талабалари ва профессор ўқитувчиларининг имкониятларини оширишида иш билан таъминлаш масалалари сифатини ошириши. Мақолада ҳамкорлик доирасида амалга оширилган алоҳида бир лойиҳа, яъни ҳар икки муассасада PhD илмий тадқиқотларини янада такомиллаштириши масалалари ҳусусида сўз боради. Шунингдек, PhD талабасининг 3 ойлик ижодий сафари (13.01.2017 - 07.04.2017) таширфининг мақсад, вазифалари ва эришилган ютуқлари баён этилади.

PhD project is situated in the context of debates about gender discourse issues in Uzbekistan. Accordingly, for this project, attention is turned to the cognitive potential of the language, as well as the issues of gender integrative approach in higher education.

The fertile discussions initiated by interfacing of translation, gender and ideology problems have opened up new perspectives, as well as the study of terminological apparatus of gender discourse in the light of translation. The interest in studying gender specialized terms in the sphere of education, medicine, mass media, economics, law and a lack of factual materials in the form of gender glossaries in the Uzbek language inevitably impose to appeal to the problems of applied linguistics in line with terminology and translation studies. The research work aims to explore language potential in representing and “enhancement” the socio-political world picture. Since language as well as images can convey gender stereotypes and can positively or negatively affect people’s consciousness over time.

Another point of the project is gender integrative approach to higher education. The academic competence for such intellectual skills to fight discrimination, respect for differences, self assertion and equal opportunities among women and men has been an impressive forward movement in the last 50 years in the West, and in the last 20 years, in the East. But as a consequence of the historical gap between the two regions, the stages are different. Western universities are embracing gender studies not only as separate programs and classes, but also as a mainstreaming approach.

It becomes clear that only through a democratic inclusive curriculum, one that responds to the needs and values of societies, one that includes more than excludes, may we be confident that we produce open-minded individuals, able to cope with the diversities around them, to accept, and celebrate differences. Curriculum will deal with the actual content of education, with the methodologies and processes through which learning takes place. It deals with facts but, more importantly, with the culture and values of society. It should consequently deal with gender.

The specific objectives of the PhD project are:

- To get the best out of attending professional classes and training sessions on translation issues offered by London Met;
- To explore teaching and learning resources and providing effective implementation of acquired experience;
- To learn consecutive and simultaneous methods of translation in training highly qualified specialists in the sphere of gender issues;
- To explore actual issues related to the problems of translation and teaching techniques for conducting further researches;
- To Introduce London Met staff with scientific researches tendencies being conducted in the field of translation in Uzbekistan.

As an integral part of developing an educational process the mobility project has exposed to knowledge about programs, curriculum, teaching methodologies used, as well as encourage to foster skills relevant to the researches in the field of translation and interpreting. Within 3 months period of study in London Met more than 20 scientific and creative activities have been performed, such as: participated in a symposium organized by EU (20 January 2017); took part at a scientific seminars and mock conferences organized by London Met Interpreting and Translation department; attended


an exhibition (Learning Technologies 2017); participated at professional development courses of translation and interpretation conducted by Alex Krouglov, take part at MA research seminars conducted by Nadia Rahab; had consultations with Dr Marcella De Marco FHEA, Dr Piero Toto FHEA MCIL and Farid Aitsiselmi FHEA on the theme of dissertation; completed the course *I know gender: An introduction to Gender Equality for UN staff (certificate)*; submitted an article to the *East Journal of Translation (CIUTI)*; took part at the conferences organised by the Institute of Education; attended seminars of outstanding and professional translators and terminologists (organised by London Met); conducted a two-day training workshop on “Theoretical aspects of Gender studies and Feminology” in the First Kare Academy; made a final presentation of the dissertation for London Met staff.

The project has identified the following perspective benefits:

- To elaborate a glossary of gender terms in the English, Uzbek and Russian languages;
- To work out tendencies of language potential in social life development;
- To set up a cooperation with native government administrations in preparation high skilled personnel in the sphere of gender issues;
- To disseminate experience and skills obtained at London Met by organising a wide range of conferences, courses, roundtable discussions;
- To disseminate information about the project benefits by publications on websites and national mass media.

The following proposals have been provided:

- To establish a scientific center of Gender Researches by UzSWLU, aiming at implementation (through new training programs) of gender studies in academic sphere, conducting researches and creation of conditions for scientific discussions on gender theory and gender issues in Uzbekistan and abroad;
- To innovate a curriculum in Masters Program by introducing special courses on Gender linguistics and Translation. Moreover, prospective students will be interested in this module because this type of start-up gender project is not normally included in the translation department curriculum;
- To introduce new innovative proposals to the regulations of the scientific researches;
- To develop new methodology principles of teaching to translation and terminology studies from socio-cognitive viewpoint;
- To involve foreign specialists in the field of translation and terminology, since we get a power to benefit our society by implementing new theories of translation and terminology studies.



We hope that the enhancement of teaching and learning skills obtained via the project will be well recognized and supported by the universities sectors. Moreover, we are extremely aware of the research impact on the professional and scientific development of translation theory and practice. Staff developers in HE institutions, as well as those working to enhance teaching and learning, have a key role to play in this regard.

Being from an academic research background and approaching to work on this topic, I found this is an opportunity to bring the work I was passionate about to a larger scale; to help to strengthen the relationship between the government and civil society in the position of a translator and terminologist.


I shall always hold myself much obliged to those whose favor enabled me to enjoy *uninterrupted leisure in companion with science – space and time* than to any who might offer me the most honorable employment in the world.



Picture 1: Learning Technologies 2017 Exhibition, 1-2 February, Olympia London
Alex Krouglov and Guli Ergasheva



Picture 2: Professional development courses of translation and interpretation by Alex Krouglov



Picture 3: Presentation of the research work at London Met.



Picture 4: London Met and Westminster University staff After presentation of the research work at London Met.

Research and development of teaching methodology

Madina Tukhtakhujaeva¹, Sevara Ziyayeva¹, Guli Ergasheva¹

Alex Krouglov², Farid Aitsiselmi²

1 Uzbekistan State University of World Languages,

2 London Metropolitan University

Madina9757@mail.ru

Agreement number: 2015-2-UK01-KA107-022779

The aim of the project 2015-2-UK01-KA107-022779 was to provide a professional development and better understanding of teaching and learning in the field of translation and interpreting in partner institutions – London Met and UzSWLU. Particularly this project was considered to the curriculum innovations and design issues, quality assurance and enhancement, and employability which will allow better opportunities for students and teaching staff in both institutions. The article considers one of the separate mobility projects: the modernization and introduction of new elements in the curriculum at UzSUWL. The article outlines the goals and objectives, as well as the results of the trip of the faculty members for 1 week (08.04.16-15.04.16)

Целью проекта 2015-2-UK01-KA107-022779 – было обеспечение профессионального развития и осмысления преподавания и обучения в области письменного и устного перевода в партнерских учреждениях УзГУМЯ и Лондон Мет. В частности данный проект был направлен на рассмотрение введения новых учебных программ и вопросов планирования, обеспечения качества и совершенствования, а также возможностей трудоустройства, которые позволят раскрыть больший потенциал студентов и преподавателей в обоих учреждениях. В статье рассматривается отдельный проект мобильности: модернизация учебных программ, а так же внедрение новых элементов в них на примере УзГУМЯ. В статье излагаются цели и задачи, а также результаты поездки преподавателей переводческого факультета сроком в 1 неделю (08.04.16-15.04.16)

2015-2-UK01-KA107-022779 лойиҳасининг асосий мақсадиларидан бири – ҳамкор ўқув юртлири ЎзДЖТУ ва Лондон Метрополитан университети доирасида ёзма ва оғзаки таржимага ўқитишни касбий ривожлантиришни йўлга қўйиши. Бундан ташқари лойиҳани жорий этишдан мақсад янги ўқув дастурларини яратиши ва режалаштириши масалаларини кўриб чиқиши, шунингдек ҳар икки муассаса талабалари ва профессор ўқитувчиларининг имкониятларини оширишида иш билан таъминлаш масалалари сифатини ошириши. Ушбу мақолада ҳамкорлик доирасида амалга оширилган алоҳида бир лойиҳа, яъни ўқув дастурларини модернизациялаш ва ушбу дастурларга янги элементларни ЎзДЖТУ мисолида тадбиқ этиши кўзда тутилган. Шунингдек, таржима назарияси ва амалиёти факультети ўқитувчиларининг 1 хафталик (08.04.16-15.04.16) таширфининг мақсад, вазифалари ва эришилган ютуқлари баён этилади.

The first priority of our project was the maximum cooperation with London Met, with the development of training programs (curriculum) at the UzSWLU. In connection with the impossibility of sending a large number of students for internships to partner universities, it becomes objective that well-designed curricula in accordance with world standards based on the experience of leading European universities can allow students to receive quality education while staying in their home university.

The mobility Project offered participants professional development and better understanding of teaching and learning in partner institutions which allowed them to analyze their current practices and propose changes which enhanced teaching and learning in UzSWLU and London Met. This had a very positive impact on the achievements of students in both institutions particularly to UzSWLU students to create a more dynamic environment and widen horizons of students and staff.

The key point of this project of credit mobility was the trip of the teaching staff of both partner universities for the exchange of experience. First of all, 2 teachers, in the led by the dean of the Faculty of Translation theory and practice, departed for the study of methodologies for training specialists in the field of translation studies at the University of London Met.

During the stay, academic staff from UzWSLU made presentation for their foreign colleagues about their university. As well as colleagues in both institutions explored what parts of curriculum can be enhanced. Within a week period of stay in London Met more than 8 different activities have been performed, such as: participated in Meeting with Farid Aitsiselmi and translation Undergraduate and postgraduate course leaders to exchange viewpoints on curriculum development, meeting with Danielle D’Hayer, course leader MA interpreting, attending a class: Translation and Tourism on the Specialist Translation Domain, BA Translation (Farid Aitsiselmi) as well as attending virtual classes with partner universities, attending Danielle D’Hayer’s and Alex Krouglov’s classes.

Moreover the coordinator Alex Krouglov presented the information about the project at the CIUTI General Assembly in Trieste, Italy where 45 leading universities in teaching Translation/Interpreting met in May 2016 + the information about the project was published on the CIUTI website www.ciuti.org

At the second stage of the project a visit of representatives from the University of London Met to UzSWLU was foreseen for detailed study and organization of recommendations for the modernization of the curriculum being located directly in Tashkent.

During the visit of the Farid Asitselmi a number of recommendations on modernization were issued, as well as planned a large number of further activities for the development of international relations between universities.

In particular, the visit of the representatives of the London Met was marked by the following events

- Presentation of master classes in translation to colleagues and students at UZSWLU as a basis for discussion on teaching methodology and potential for amendments at UZSUWL.
- Classroom observation and feedback on teaching practices both in translation and interpreting and potential for a more student centred approach.
- Discussions with students about teaching and learning strategies
- Meetings with course leaders to discuss the implementation of the teaching programme.
- Meeting with the Dean and Associate Dean to further explore curriculum development and mapping of our programmes with a view to design dual award degrees.
- Meeting with the Rector and the British Council representative.
- Visit to all the university facilities

Summing up the results of the project of mobility and mutual visits of teachers and student to partner universities, the following major successes of this project can be noted:

1. Joint virtual classes in Translation and Interpreting

All colleagues were enthusiastic about this project because it is relatively cost effective and would allow student engagement and collaboration in both institutions - potentially 2 classes in Interpreting and 2 in Translation. The rector was very supportive but raised the issue of the compatibility and reliability of the connection used in the UK. London Met uses the JANET network which provides UK research and education with a highly reliable and secure connection and enable national and international communication and collaboration.

2. Development of progression articulation agreement:

This was discussed at postgraduate and undergraduate levels with the support of the Dean and the Rector. It was felt to be an expensive programme for UzSUWL students but worth pursuing as the exchange would benefit some students.

3. Franchising BA and MA Translation courses: this is to be explored at a later stage once the progression articulation agreement and dual awards were signed.

4. Memorandum of Understanding: all colleagues were in favour of signing an MOU to formalise the relationship between both institutions

5. Teacher training and CPD:

It was agreed that it would be too expensive to send teachers to be trained in the UK and that a more cost effective alternative would be to send a trainer to UzSUWL to deliver a teacher training course. This would have the advantage to allow the participation of a large numbers of teachers from other faculties and therefore it would have a far more positive impact. The British Council has been made aware of the importance of funding for these activities.

6. Employability and curriculum development:

Importance of introducing CAT tools in the curriculum as this is non-existent at present in the programme:

7. A CPD action would have to be developed with the help of the London Met specialist to help with the design of a module and as well as teacher training.

8. Teaching materials: it appears that in addition to academic resources in translation and interpreting studies, lecturers are keen on using already prepared teaching manuals specifically designed for their students but they would welcome advice and guidance.

9. CUITI attendance: the Rector would be delighted to attend the CIUTI Forum 2017

Action: follow up with the British Council for funding

10. Disseminating the results of the current project: a joint conference was suggested to promote this collaboration.

11. Student engagement: It was proposed to introduce a feedback questionnaire to survey students opinion of the UZSUWL courses in the same way as London Met in order to enhance student engagement in teaching and learning. The rector supported this idea and welcomed it implementation sooner rather than later.

12. The rector was positive about further collaboration and the British Council will support our participation as a partner in an Erasmus+ with the University of Birmingham as the lead university. The objective of this project would be regional programmed development and curriculum reforms.



Pic 1: Sevara Ziyayeva, Madina Tukhtakhujaeva meeting with Farid Aitsiselmi and translation Undergraduate and postgraduate course leaders Nadia Rahab, Zoubida Mostefai-Hampshire



Pic.2: Virtual class with Cluj University, Romania. Danielle D’Hayer, Madina Tukhtakhujaeva, Sevara Ziyayeva



Pic.3: Attending a class: EU /UN institutions module - UN conference management session Alex Krouglov, Danielle D'Hayer, Madina Tukhtakhujaeva, Sevara Ziyayeva.

Ta'lim sohasida Yevropa oliy o'quv yurtlari tajribasi (Polsha misolida)

Imomov Otabek Normirzoyevich

Namangan davlat universiteti, Fiziologiya va valeologiya asoslari kafedrasida katta o'qituvchisi,
E – mail: otabek.bio@mail.ru,

Maqolada Polsha davlati yetakchi universitetlari ta'lim tizimi tajribalari, uning integrasiyalashuvi va tajriba almashinuvi ahamiyati haqida ma'lumotlar berilgan.

Статья посвящена изучению образовательной системы, применяемой в университетах Польши, повышающей уровень стандартов и способствующей интеграции культуры качества.

This article devoted to studies the peculiarities of education system, which is applied at Poland Universities, increasing the level of standards and promoting the integration of culture quality.

Xorijiy davlatlar, xususan Yevropa Ittifoqi oliy ta'lim tizimini qiyosiy tahlili yetakchi davlatlarning ijtimoiy – iqtisodiy rivojlanishi, milliy, tarixiy an'analari asosida shakllangan jihatlarni o'rganish muhim amaliy ahamiyatga ega.

Ma'lumki O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimida mustaqillik davrida tub islohotlar amalga oshirildi va bu davom etmoqda. Bunda "Kadrlar tayorlash milliy dasturi" va "Ta'lim to'g'risidagi qonun" asosiy dastur bo'lib kelmoqda. Hozirgi iqlim o'zgarishi, demografik rivojlanish, migrasiya, ommaviy madaniyat kabi insoniyat oldida turgan muammolarni muvozanatlashtirish va bir me'yorda iqtisodiy rivojlanish jarayonida yuqori tarbiya va ta'limga ega kadrlarni tayorlash zamon talabidir. Hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan Respublikani har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan chora tadbirlar jarayonida oliy ta'limdan yetishib chiqayotgan kuchli kadrlarga ehtiyoj ham ortib bormoqda. Agar bu jarayonda yetarli bilim va malakaga ega bo'lgan kadrlar yetishmasa davlatimiz tomonidan olib borilayotgan rivojlanishga qaratilgan islohotlar o'z – o'zidan sekinlashishiga olib kelishi mumkin. Kadrlarni har tomonlama mustahkam bilimli qilish jarayoni esa bevosita oliy ta'limdagi muhit, professor – o'qituvchilarni bilim darajasi, moddiy texnik bazaga bog'liq bo'ladi. Muhtaram birinchi Prezidentimiz birinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi IX sessiyasida so'zlagan nutqida "Eng muhim masalalardan biri shuki, domlarning saviyasi va bilimini oshirishga shart – sharoitlar tug'dirishimiz kerak. Domlalar, professorlar, kafedra

mudirlari o'z ustida ishlamasa, o'z sohasi bo'yicha chet mamlakatlarga ilmiy safarlarga borib kelmasa, tajriba almashilmasa, albatta bunday ahvol o'quv jarayoniga va uning samarasiga salbiy ta'sir qiladi"[1] deb bejizga aytmagan.

Hozirgi talabalarga ananaviy usullarda bilim berish ular ehtiyojini qondirishi va zamonaviy kadr bo'lib yetishida yetarli emasligini tajribalar ko'rsatmoqta. Zamonaviy ta'lim xususan yangi ta'lim texnologiyalari haqidagi tushunchalar va uni amalda qo'llash bu O'zbekiston uchun yangilik emas. Chunki mustaqillik davrini dastlabki yillaridayoq bunday tushunchalar paydo bo'lgan va amalda qo'llanilgan. Ammo hozirgi kunda innovasion ta'lim texnologiyalarni oliy ta'lim tizimida qo'llanilishi to'liq deb aytib bo'lmaydi. Buni ko'plab sabablari mavjud. Ushbu sabablarni aniqlashda va tahlil qilishda Yevropaning yetakchi oliy ta'lim tizimlarida innovasion ta'lim texnologiyalarini qo'llanilishini, va yetakchi mutaxassislar fikrlarini o'rganish orqali tahlil qilish mumkin.

Yevropa Ittifoqida oliy ta'lim bo'yicha yagona tizimni shakllanishi va rivojlanishiga hukumatlararo kelishilib imzolangan "Bolonya" deklarasiyasi sabab bo'lgani barchaga ma'lum. Boloniya jarayonini asosiy maqsadi yuqori ta'lim sifatiga qaratilgan bo'lib, ta'lim muassasalari o'rtasidagi har tomonlama munosabatni rivojlanishiga xizmat qiladi [2].

Polsha davlati oliy o'quv yurtlari ta'lim sifati va talabalar soni bo'yicha Yevropa davlatlari o'rtasida yetakchilardan bo'lib kelgan. Ushbu davlatda 450 dan ortiq oliy o'quv yurtlari bo'lib, shundan 132 tasi davlat va qolganlari xususiy ta'lim muassasalaridir. Ushbu oliy ta'lim muassasalarda jami 2 mlnga yaqin talabalar tahsil olishadi [3]. Xorijiy talabalar soni ham ko'p bo'lib, bunda Erasmus+ dasturining loyihalari yetakchilik qiladi. Oliy o'quv yurtlari o'rtasida konkurensiya ham yuqori. Polsha davlatida joylashgan bir qator oliy o'quv yurtlari ham Yevropada yuqori nufuzga ega, xususan Silesian texnologiyalar universiteti ham shular qatoridan. 2016 yil oktabr oyidan 2017 yil mart oyigacha Erasmus+ dasturi doirasida "Key action 1 Credit mobility" loyihasi asosida 5 oylik stajirovkada bo'lib, ilmiy tadqiqot ishlari olib borish bilan birga ta'lim tizimi ham kuzatildi. Universitetda turli sohalarni qamrab olgan 14 ta fakultet, 2 ta kollej, 2 ta markaz bo'lib, har bir fakultetning bir necha o'nlab kafedralari bor.

Dars jarayonlari asosan Energiya va atrof - muhit muhandisligi fakulteti Biotexnologiya kafedrasida kuzatildi. Darslarda guruhlarining shakllanishi turlicha chunki barchaga ma'lumki Yevropada kredit tizimi shakllangan. Turli shakldagi darslar (ma'ruza, seminar, amaliy va laboratoriya) to'liq ilmiy darajali o'qituvchilar tomonidan olib boriladi. Ilmiy darajasi yo'q xodimlar asosan turli loyihalarda yoki PHD talaba sifatida asosan ilmiy tadqiqot ishlari bilan shug'ullanadi. Fanlarning o'qituvchilarga berilishi uning olib borgan va davom ettirayotgan ilmiy izlanishlari bilan bevosita bog'liqdir. Fakultetlarda deyarli 80 – 90% fanlar ingliz tilida ham alohida xorij talabalari va mahaliy talabalar uchun tashkil qilingan.

Barcha ma'ruza xonalari kerakli jihozlar bilan ta'minlangan bo'lib, bu dars sifati uchun katta ahamiyatga ega. Ma'ruzalar hech qachon taqdimotsiz tashkil qilinmaydi. Professor – o'qituvchilarni dars boshlashdan oldin o'qituvchiga xos imidjda bo'lishi, dars davomida hech qachon o'qituvchini manfiy ruhiy holatlarga tushmasligi, dars jarayonida albata so'nggi innovasion pedagogik texnologiyalar qo'llanilishi, tanlangan pedagogik texnologiyani fan va mavzu xususiyati va auditoriyada o'tirgan talabalar bilim saviyasidan kelib chiqib tanlanganligi (ayniqsa seminarlarda), mavzuga oid albata zamonaviy tadqiqotlardan misollar keltirilishi, har bir seminar mashg'ulotlari uchun o'qituvchi o'zi qo'llaydigan texnologiya uchun materiallarni tayorlashi yoki yasashi, darsda talabalarni doim faol bo'lishi alohida e'tiborga molik. Laboratoriya darslari bevosita shu o'qituvchi tadqiqot olib boradigan laboratoriya markazlarida amalga oshirilib, har bir laboratoriyani barcha talabalar o'z qo'llari bilan bajarib uni natijasini shu joyning o'zida o'qituvchiga topshiradi. O'qituvchi laboratoriyada asosan nazoratchi va o'z o'rnida talabalar xatolarini to'g'rilab borish vazifasini bajaradi.

Ta'lim sohasida ham qadriyatlardan kelib chiqqan holatda rivojlangan davlatlar tajribasidan foydalanish Respublikamizda dunyo talabalariga javob beruvchi malakali kadrlarni yetishtirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

FOYDALANILGAN RESURSLAR

1. Karimov I.A. Asarlar to'plami. 1-22 jildlar. T. O'zbekiston. 1996-2014.
2. European higher education in the world. Communication of the European Commission to European Parliament, the Council, the European Economic and Social Committee and the Committee of the regions - Luxembourg: Publications of the European Union, 2013
3. <http://www.studyabroad.ru/guide/Poland.php>

Mexatronika loyihasi va Buxoro muhandislik-texnologiya institutida tashkil etilgan tajriba xonalaridan samarali foydalanish

Ulug`bek Ibragimov¹, Gafurov Karim¹, Fayziyev Shavkat¹

¹Buxoro muhandislik-texnologiya instituti

Email:ciulugbek@list.ru

В этой статье приведена информация об эффективном использовании лабораторных помещений в высших учебных заведениях приобретенные в рамках проекта Tempus MACH: Introduction of new Master program and Doctoral courses in Mechatronics in Uzbekistan.

This article provides information on the effective use of laboratory facilities in higher education institutions under the project Tempus MACH: Introduction of new Master program and Doctoral courses in Mechatronics in Uzbekistan.

Tempus MACH: Introduction of new Master program and Doctoral courses in Mechatronics in Uzbekistan (O'zbekistonda mexatronika yo`nalishi bo`yicha yangi magistratura va PhD kurslarini yaratish) loyihasi doirasida O'zbekistonning bir qator yetakchi oliy o`quv yurtlarida "Mexatronika" yo`nalishi bo`yicha yangi tajriba xonalari tashkil etildi. Bu tajriba xonalarini tashkil etishdan asosiy maqsad: oliy ta'limda "Mexatronika" yo`nalishida magistrant va iqtidorli talabalar ilmiy ishlarini olib borish.

Xususan Buxoro muhandislik-texnologiya institutida ham Tempus "Mexatronika" loyihasi doirasida tajriba xonasi tashkil etildi. Ushbu tajriba xonasida zamonaviy qurilmalar mavjud:

- ✓ 3 printer;
- ✓ Arduino mikrokontrollerlari;
- ✓ NI CRIO qurilmalari;
- ✓ Signallarni identifikatsiyalash;
- ✓ Katta bosim ostida ishlovchi gidravlik press;
- ✓ turli xildagi datchiklar (temperatura, bosim va boshqa parametrlarni o'lchashga imkon beruvchi datchiklar) va hokazo.

Bu qurilmalar loyiha doirasida olingan qurilmalarning asosiylari va bugungi kunda Buxoro muhandislik-texnologiya instituti "Texnologik jarayonlarni boshqarishning axborot-kommunikatsiya tizimlari" kafedrasida tasarrufida tashkil etilgan "Mexatronika" to'garagi faoliyati jarayonida Evropa ittifoqi, institutimiz va homiylar tashabbuslari bilan tajriba xonasi moddiy bazasi zamonaviy qurilmalar bilan kundan-kunga boyib bormoqda. Ushbu to'garakda bugungi kunda 20 dan ortiq iqtidorli talabalar faoliyat olib bormoqdalar.




Haydarova Zarina, Toshtemirov Jahongir va Umrzoqov Murotjon. Ishlanmani yaratish jarayonida. Buxoro muhandislik-texnologiya institutida “Mexatronika” to`garagi(2-o`quv binosi 401A-xona)




Hamdamov A`zam. Bitiruv malakaviy ishini bajarish jarayonida “Mexatronika” to`garigidan foydalanmoqda. Buxoro muhandislik-texnologiya institutida “Mexatronika” to`garagi(2-o`quv binosi 401A-xona)

